

Ғайрат ХАМРОЕВ,
Жүрабек БЕГИМҚУЛОВ

ГЕРАЛЬДИКА



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

**Ғайрат Ҳамроев,
Жўрабек Бегимқулов**

ГЕРАЛЬДИКА

Ўқув-услубий қўлланма

**«Tamaddun» нашриёти
Тошкент–2016**

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)7

X-21

Ўзбекистон Республикаси мустақилигининг
25 йиллигига бағишиланади.

Тузувчилар:

Ғайрат Ҳамроев,
Жўрабек Бегимқулов

Масъул муҳаррир Акбар Валиев

Такризчилар:

А. Аманлаев. ЖДПИ – Тарих ўқитиши методикаси кафедраси
мудири, ф. ф. н. доц.;

Р. Холиқулов. СамДУ – Ўзбекистон тарихи кафедраси
мудири, т. ф. н. доц.

Ҳамроев, Ғайрат

X21

Геральдика: ўқув-услубий қўлланма. / Туз.:

Ғ. Ҳамроев, Ж. Бегимқулов; масъул муҳаррир: А.
Валиев. – Тошкент: «Tamaddun» нашриёти, 2016. –
88 бет.

ISBN 978-9943-377-99-8

Ушбу ўқув-услубий қўлланма олий ўқув юртларининг тарих йўналишида таҳсил олаётган талабалар, илмий тадқиқотчилар, шунингдек, ушбу соҳага қизиқувчилар учун мўлжалланган. Қўлланмада геральдика фанининг мазмун-моҳияти, турли даврларга оид герблар ва уларнинг рамzlари тўғрисида маълумот берилган.

Мазкур ўқув-услубий қўлланма Абдулла Қодирий номидаги Жizzah давлат педагогика институти Илмий кенгашининг 2015 йил декабр ойидаги 5-сонли баённомасига асосан нашрга тавсия этилган.

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)7

© Ғ. Ҳамроев, Ж. Бегимқулов, 2016

ISBN 978-9943-377-99-8

© «Tamaddun» нашриёти, 2016

Мен, авваломбор, ёшларимизга қаратада айтмоқчиман: ўқинг, тарихни ўрганинг, тарихни, ўтмиши билган одам келажакда адашмайди.

Ислом Каримов

КИРИШ

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир» асарида: «Тарихни унуган халқ, жамият ўз йўлини ўқотади. Бундай халқ ва жамиятнинг келажаги йўқ»¹, – деятилькидлаши республикамизда мустақиллик шарофати билан тарих фанига бўлган муносабат давлат сиёсати даражасига кўтаришганилигининг яққол исботидир.

Дирҳақиқат, мустақиллик туфайли жаҳон тарихини ҳаққоний ўрганиш имкониятига эга бўлдик. Биз бугун жаҳон тарихиги бўлган қизиқишининг ҳар қачонгидан ҳам кучайланлиги ҳамда гербшунослика оид илмий адабиётларга бўлган талабни ҳисобга олган ҳолда, мазкур ўкув-услубий қўлланмани тайёрладик.

Ушбу қўлланмани тайёрлашда «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» (12 жилдли. – Т., 2000–2006), «Всемирная история» [Москва–Минск, 1955–1965 (Т. 1–10); 1977–1983 (Т. 11–13)], Гулистан давлат университетида тайёрланган «Геральдика ва сферографтика»² номли ўкув-услубий мажмуудан, шунингдек, хорижда нашр этилган илмий адабиётлардан, хусусан, инглиз гербшуноси Стивен Слейтер (Stephen Slater)нинг «The Complete Book of Heraldry»³ номли асарининг рус тилидаги нашридан ҳимда россиялик соҳа мутахассисларининг тадқиқотларидан фойдаланилди.

¹ Karimov I. A. Ona yurtimiz baxt-u iqboli va buyuk kelajagi yo'lidida xizmat qilish – eng olyi saodatdir. – T.: O'zbekiston, 2015. – 109-бет.

² Қаранг: Сангирова Д.Х., Қодирова Л.Б. Геральдика ва сферографтика: ўкув-услубий мажмуа. – ГулДУ, 2007.

³ Слейтер С. Геральдика. Иллюстрированная энциклопедия. Издание второе, переработанное и дополненное / Пер. И. Жилинской. – М.: Эксмо, 2005.

Мазкур ўкув-услубий қўлланмада фаннинг предмети ва вазифалари, геральдиканинг фан сифатида шаклланиши, мазкур фаннинг бошқа тарих фанлари билан узвий алоқадорлиги байён қилинган. Шунингдек, қўлланмада Франция, Россия ва Ўзбекистоннинг тарихий рамзлари ва герблари тұғрисида муҳим маълумотлар келтирилган.

Мазкур қўлланма олий ўкув юртларининг тарих йўналишида таҳсил олаётган талабалар, илмий тадқиқотчилар, АЛ, КҲҚ, ўрта мактабларнинг ўкувчи ва ўқитувчиларига ҳамда тарих фани билан қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

Ушбу қўлланмани нашрга тайёрлапшида ўзларининг услубий тавсиялари билан яқиндан ёрдам берганликлари учун ЖДПИ тарих факультети декани проф. С. Абдухоликов, тарих ўқитиши методикаси кафедраси мудири доцент А. Аманлаев, доцентлар А. Холмуродов, Р. Нурқулова, катта ўқитувчилар Ф. Тошбоев ва А. Мажидовга ҳамда мазкур кафедранинг барча профессор-уқитувчиларига миннатдорлик билдирамиз.

Мазкур қўлланма юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни мамнуният билан кутиб қоламиз.

Нишини энгаштила таңж һаңдик жөнүлтө һандын "Издания башк
илюстрациях" китабында сөз иштеп көрсөтүлгөнде басына дағынан түрк
жазылышынан берилген көмкүүчүлөрдөн көрсөтүлгөнде көрсөтүлгөнде
жарык түрк түшнүүлүнүү үйликтүү өкүнүүттөн сөбүн китапчылар на
башкорт түрк түшнүүлүнүү өкүнүүттөн сөбүн китапчылар на

ГЕРАЛЬДИКА ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Геральдика герблар ва улар ҳақидаги билимлар тизимиdir. Геральдика атамаси лотинча heraldus – жарчи ёки хабарчи сүзилди көлиб чиққан. Полякча herb, немисча erbo атамалари мерос ва меросхүр маъноларида қўлланилган. Герб бирон-бир мамникит очки худуднинг сиёсий ва тарихий характердаги ғоялари мажмуасини, ўзига хос табиий ва хўжалик хусусиятлари, та-биқлий тавофутларини, шахс, уруғ ва бошқаларнинг шажара-ширини ифодаловчи алоҳида рамзий белгидир. Герблар алоҳида шахслар, шаҳарлар, вилоятлар, давлатларга, шунингдек, ўрта яшр ҳунармандчилик цехлари ва савдо ўюшмаларига берилган.

Геральдика моддий мадданият ёдгорликлари: герб, тамга, муҳр, шинсонларни ҳамда гербли ва рамзли ёзма манбаларни ўрганиши билан бирга, миллий анъаналар, ижтимоий хусусиятлар, мимликтлараро иқтисодий ва маддий алоқаларни ўрганишга ким өрдим беради. Геральдика фанининг асосий вазифаси белгилитган объектга қараб тарихий манбаларни тадқиқ этиш ва гербларда акс этгани рамзларни ўрганиш орқали маълум бир давриниң сиёсий, ижтимоий, иқтисодий аҳволини очиб бериш, гербнинг эгаси бўлган хукмдорлар, сулолалар, шахслар, воқеаларни даврлаштиришдан иборат.

Геральдика қачон ва қаерда пайдо бўлганлиги маълум эмес, Бироқ унинг илдизлари шимолий Европа (Голландия ва Шимолий Франция) худудларида таҳминан XII аср ўрталарида пайдо бўлган. Ушбу амалий тарих фанини тушуниш ва ривожлиниини билиш учун ўрта асрлар жамиятига назар солиш, хусусан, ўша давр армияси тўғрисида билимга эга бўлиш керак:

улар қандай ташкил этилган, қандай жанг қилишган, нимани ўрганишган, қандай қуролланган ва кийинган. Янги қурол-яроғларнинг пайдо бўлиши билан, геральдика ўзининг дастлабки вазифасини йўқотгандай туюлади ва у анъанага содик ҳолди. кейинги асрлар анъаналарига хизмат қилиб, бугунги кунда ҳам ўз фаолиятини давом эттироқда. Ўрта аср жанглари ва рицар турнирлари натижасида дворянлар фани деб аталган геральдика атамаси пайдо бўлди.

Геральдика бир неча авлод кишиларининг тафаккурини сергаклантириб, баъзи ҳолларда ҳаяжонлантириди, қуролмаслик ва ҳатто кулишларга ҳам сабаб бўлди. Геральдиканинг сирли тили унинг предметини тушунишни қийинлаштирса-да, у ҳаққоний тарихни яратишда катта аҳамиятга эга. Баъзи олимлар геральдикани эски нафис буюмларни ўрганувчи фан деб қарашса-да, бу фан асрлар оша шонли ўтмиш хотираларини тиклашда муносаб ўрнига эга.

Герблар қайерларда жойлашган? Аксарият ҳолларда герблар ёки унинг алоҳида элементлари қурол-яроглар, кийим-кечаклар, идиш -товоқлар, аравалар, муҳр ва тангалар, қогон пуллар, иншоотлар, сарой деворлари ва шиллари, қўлёзма китоблар ҳамда портретларга чизилган. Шунингдек, герблардан безак сифатида қабр тошларида ҳам фойдаланилган. Айрим гербларни бош кийим, қалқонлар, тожлар ёки руҳоний қалпоги шаклидан таниш мумкин. Герблар буюм ва ашёларнинг тарихини аниқлашга ёрдам беради. Масалан, таниқли гербшунос В. К. Лукомский гербдаги эмблема ёрдамида подшо Михаил Фёдоровичнинг амакиваччаси Никита Иванович Романовнинг тақдирини аниқлашга муваффақ бўлган. Тепасига тож ўрнатилган темир устун шаклидаги Полша герби 30 га яқин шляхтнинг уругини аниқлашга имкон берди. Герб шаклидаги ҳарфлар ёрдамида В. К. Лукомский бу гербнинг эгаси Брянск оқсоқоли Франц Лесьновальский эканлигини аниқлади. Шунингдек, патриарх Филарет ҳам Россияга қилган машақватли сафари


иңбайынан төмөнкүлдөрдөрдүн гербларынан түзүлгөн. Россияга қайтган Филарет Романовлар гербини жия-
ти Никита Иванович Романовга ҳадя қылган.



Түрли ишёлдардаги геральдик тасвиirlар

Түндөй ташқары, герблар, иқтисодий, маданий, қариндо-
стик шоғулардын ишёлдердеги герблардын орталығынан да
алғашкы герби бунга мисол була олади. Жумладан, Романовларнинг
гербий герби бунга мисол була олади. Гербнинг чап томони-
нан Гарбий Европа аслзодаларининг герблари кўрсатилган бў-
луд. Император оиласи XVIII–XX асрларда улар билан сулола-
ниш шикохлар орқали қариндош булишган. Улар қуйидагилар:
Швеции Голштин герби, норвег герби, шлезвиг, голштин,
шведикари, дидмарсен герблари. Гербнинг ўртасида ўнгда оль-
штубург герби, чандада далменгор герби жой олган.

Аммо герб ва геральдик материал билан ишлашда ечими-
ни төзүүнүү мүшкүл бўлган турли муаммоларга дуч келамиз.
Геральдика билан таниш бўлмаган тарихчи учун герб ўзига хос
түшнисиок бўлиб колаверади. Ҳатто герб ва унинг тавсифини
түрги ўқий олган холда ҳам, гербда берилаётган барча маълу-
мийт түрги баҳолай олмаслик мумкин. Масалан, нима учун
герб у охи бу буюмда тасвиirlанган, унинг бошқа гербларга
жондай кийидай, ўша даврда юз берган тарихий ҳодисаларда
унинг ўрин кийидай бўлган ва х.к. Шундай килиб, тарихчининг
геральдика билан таниш бўлиши бу муҳим манбанинг аҳамия-
тини түрги баҳолаш зарурияти билан боғлик.



Герблар тарихий билимларнинг кўплаб соҳалари: дипломатия, сфрагистика, нумизматика ва бошқаларда ўзига хос манба вазифасини бажаради. Геральдика вужудга келган иттифоқлар, ҳудудий ўзгаришлар, ҳукмон табака ўртасидаги сулолавий нижоҳларни акс эттирган ҳолда демографик жараёнлар ва сиёсий тарих тўғрисида қимматли маълумотларни бера олади. Нафакат сиёсий ва ижтимоий тарих соҳасида, балки ўрганилаётган даврнинг психологик муҳитини қайта тиклашда ҳам геральдик материаллардан самарали фойдаланиш мумкин. Масалан, урта асрлар хроникаси, сиёсий ва бадиий адабиётларида герблар тавсифи кўп учрайди. Герблар ўз даврининг ҳукмон табакалари менталитетига хос бўлган хусусиятларни ҳам ўзида акс эттиради.

Геральдика фанининг асосий вазифаси умумий тарзда геральдиканинг пайдо бўлиши ва ривожланиши билан танишиш, герб элементларини тахлил қилувчи ва тизимга солувчи назарий ёки расмий геральдиканинг асосларини, геральдик атамаларни, алоҳида мамлакатлардаги геральдиканинг ўзига хос хусусиятларини таснифлаш, гербнинг алоҳида ва аҳамиятли жиҳатларини қайд этишдан иборат.

Геральдика билан илк танишувнинг мақсади гербни «ўқий» олиш, унинг хронологиясини аниклашдир. Гербшуносликнинг буғунги аҳволи ва геральдик адабиётларнинг камлиги бу соҳада иш олиб боришни қийинлаштиради. Ҳатто геральдика билан маҳсус шугулланувчи мутахассислар учун ҳам гербни дарҳол

и тұлық таҳдил қилиш охирігача ҳал килиниши мұраккаб бұлған масаладир. Аммо бу ҳолат мұхим тарихий манба бұлғын гербларни үрганишдан воз кечишга олиб келмаслиги көрек. Бизнингча, бу үринде геральдик маълумотдан тарихий тәдқиқтада мұхим манба сифатида самарали фойдалана олиш мұхим. Шу жиҳатдан геральдика фанини үрганиш долзарб ахамиятта эга.

Геральдика ривожланишининг дастлабки давлариде охиріга етмаган масалалар мавжуд булиб, ҳозирға қадар герблар генезисига боғлиқ күпшілік муаммолар ўз ечимини топмаган. Масалан, нимани герб деб ҳисоблаш, унинг пайдо бўлиш сабаблари ва вакти муаммоси. Бу хусусда турлиға фикрлар мавжуд. Геральдиканинг пайдо бўлиш вақти ҳақида гап кетганда, биринчидан, қалқонларга бирор-бир тасвирни тушириш аньанаси шитик даврдаёқ мавжуд бўлғанligини; иккинчидан, гербларга уругчилик тимсолларининг кўпчилиги кирғанligини ҳисобга олиш зарур. (Гербларнинг пайдо бўлиши ва ривож топиши масаласини биз кейинги мавзуда батафсилроқ кўриб чиқамиз). Аммо қалқонга туширилган тимсол ҳали тұлық маънода герб дегани эмас. Бу тимсоллар ўзида аниқ ижтимоий, ҳуқуқий муносабатларни акс эттира бошлаганидан сўнггина ҳақиқий гербларга айланди дейиш мумкин.

ИЛК ГЕРАЛЬДИК ШАҚЛЛАР ВА ГЕРАЛЬДИКА ФАНИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

Баъзи манбаларга кўра, геральдика Буюк Карл ворислари давридан бошланган. Бирок аньанавий тарзда герблар XI асрда пайдо бўлган деб ҳисобланади. Аммо бу маълумотни тасдиқловчи далиллар жуда оз ва исбот талаб этади. 1080 йилги Байо gobelenидаги (деворга осиладиган суратли гилам) гербни эслатувчи қалқондаги тасвирлар бунга мисол бўла олади. XI аср уруши ҳаққоний акс эттирилган мазкур gobelenда Нормандия

герцоги Вильгельм I нинг Гастингсдаги ғалабаси (1066) тасвирланган. Уруш эпизодларда норман рицарларининг қалқонларида маълум белгилар тасвирланиб, бироқ уларни геральдик шакл деб ҳисоблаш қийин. Гастингсдаги жангда нормандияликларнинг қалқонларида эмас, кўмондонлар қўлидаги штандарт ва байроқчаларида геральдик шакллар акс эттирилган. Аньнавий геральдик тафаккурнинг бошланиши ушбу воқеалардан юз йил кейин бошланган.



**Салибчиларининг юришга
отланиши**

**Гастингсдаги
жанг тасвири**

Вильгельм фотихнинг Гастингсдаги ғалабасидан ўтгиз йил ўтиб Византия маликаси Анна Комнина (1083–1148) биринчи Салиб юришларида иштирок этиш учун Византияга етиб келган франк рицарларининг қалқонларини катта қизиқиши билан томоша қиласди. Малика «Алексиада»да деб номланган кундагигида франк рицарлари қалқонларининг ўта силлиқ, ялтироқлиги ва жездан қуйилганлигини ҳамда қабартма шаклда эканлигини ёзади. Бироқ эътиборли томони шундаки, рицарларнинг қалқонларида белгилар, эмблемалар ва шакллар биз геральдик деб атайдиган номлар умуман тилга олинмайди.

Англияда геральдиканинг пайдо бўлиши қирол Генрих I (1068–1135)нинг нотинч бошқаруви даврига, яъни қирол оиласида чекланмаган ҳокимият учун кечган қоныли урушлар вақтига тўғри келади. XII асрда Жон Уорчестер томонидан яратилган манускрипти (қадимги қўлёзма) «Хроника»сида ўша даврдаги

мухит яхши тасвиirlанган. Гобеленда уйқудаги қиролнинг даҳшатли туши, яъни Генрихнинг душман рицарлари томонидан курниб олининиши манзараси ўз аксини топади. Рицарларнинг қулиридаги қиличлари баланд кўтарилиган ҳолда ва ўша даврга ўти «тескари томчи» шаклидаги қалқонлари билан тасвиirlанган. Қалқонлар илк геральдикага хос гажак шакли кўринишидаги нақшлар, ўткир бурчакли ва бошқа геометрик шакллар билан борилганинг.



Байо gobelенидаги тасвиirlдан нусха

Гиропада XII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ўзларини олийжаниб деб билувчи зодагон хонадонларнинг вакиллари ўз қалқонларига маълум рамзлар ёки «шакллар»ни жойлаштира бошлиди ва бу тез орада уларнинг оиласлари томонидан қабул қилишиди. Шер ёки ўткир бурчакли геральдик нақшлар каби римий белгилар муҳрлар ва курол-аслаҳаларига туширила бошлиди. Қалқон ва рамзлар меросий, яъни сулолавий бўлган. Аниги шундай ажойиб уйғунликни биз геральдика сифатида таш оламиз.

Бу даврдаги герб ёдгорликлари, асосан, муҳрлар билан борлиқ бўлиб, бизгача етиб келган ўша даврнинг айрим муҳрида рамзий қалқон ушлаган отлик рицарлар тасвиirlанган. Геральдиканинг кенг тарқалиши ва унинг тизим сифатида шаклинишини XII асрдан бошлиш тўғрироқ бўлади. Буни сфраги-

стик материаллар ҳам, қабртошларда гербларнинг тасвирланиши ҳам тасдиқлайди.

XIII аср бошидан бизга маълум герблар сони кўпайди. Улардан барча йирик ер эгалари фойдалана бошлади. Герб тасвирлари қалқонлардан ташқари рицарларнинг устки кийимларига, отларнинг ёпинчиқларига туширила бошланди. Гербларнинг кенг тарқалишига ёпиқ рицар дубулғаларининг пайдо булиши, рицарлик турнирлари ва Салиб юришлари катта таъсир курсатди. Аммо бу ҳолатлардан ташқари, гербларнинг тараққий этишини Европа цивилизацияси ривожининг умумий характеристери билан боғлаб ўрганиш лозим.



Салиб юришига
отланган рицарлар



Отлик рицар аслаҳаларидағи
геральдик тасвирлар

Дарҳақиқат, геральдика жангчини жанг майдони ва турнирда танитиш заруриятини қондира оларди. У қүшинларни бошқаришда ҳам қўл келарди, чунки байроқлардаги суратлар гербларни такрорлаб, душман қўшини ҳақида маълумот олишга имкон берарди. Аммо бу тор, хусусий ҳолатлар геральдика каби мураккаб тизимнинг вужудга келиши учун озлик қиласарди. Бундан ташқари, геральдика жамиятнинг ҳарбийлар ва рицар-

ар орасиди ташқари кенгроқ доираларда ҳам қўлланилар

Геральд үзиди эски уруғчилик даври ва ўрта аср учун умумий макоми ва тимсолларни, рицарларлик ва ҳарбий турмуш тартиб особ бөлигиларни, жамиятдаги ижтимоий-хукуқий муносабатларни бирлаштириди. Геральдиканинг вужудга келиши ва шаклланишига сабаб бўлган асосий омил сифатидан ўрти аср жамиятида ижтимоий муносабатларнинг рицарларни, ҳукмрон синф ўртасида табақаланишнинг, феодалларнинг кучайишини кўрсатиш мумкин. Герблар ўз эгалити – ҳимоя функцияси билан боғлиқ бўлган, тоидорий, табакчий, касбий мансублигини, ерга эгалик хукукини, ижтимоий поғонасидаги ўрнини кўрсатиши лозим бўлди.

Шутобай қилиб, амалий талаблардан пайдо бўлган герб таъсирлари ўзининг келгуси тараққиётида шаклланаётган феодаллар сифатининг бошқа, янада кенгроқ ижтимоий характердаги таъсирлари жавоб бера бошлади. Маълум даражада геральдика феноменинг бу босқичига хос вассаллик алоқалари тизимишни ифодаси бўлди. Бу алоқалар эса, ўз навбатида, ер-мулк муносабатларига жуда яқин эди. Гербнинг ўрта аср воқелигининг бу кулар юп қирраларини акс эттира олиш хусусияти уни ижтимоий муносабатларни ифодалаш, баҳолаш, маълум даражада таъсирларининг оддий ва қулай воситасига айлантириди.

Ўрти аср геральдикасининг аниқлиги ва оддийлиги унинг деярни биринчи Гарбий Европа феодаллари орасида тез тарқалишига яхон берди. Бизнинг давримизгача етиб келган ўша даврнинг ширим мухрларида рамзий қалқон ушлаган отлик рицарлар таъсирланиши. Бу жараён, айниқса, XIII–XIV асрларда кучайди. Бу даврда дунёвий ва диний унвонга эга шахслар, черков герблари кўплиниги бунга исбот бўлади. Айнан шу даврда шаҳар ва алоҳиди шаҳар бирлашмаларининг герблари ҳам вужудга келди. Ўрти асрларда герблар хукукий асосга эга бўлди.

Гербларга бұлған бундай оммавий талаб геральдика билан маҳсус шүгүлланувчи кишилар хизматига эхтиёж түгдирди. Бундай кишилар сифатида үрта асрларда турнирлар маросими, дипломатик келишувларни бошқарувчи, сенъорларнинг вакиллари сифатида иш олиб борувчи герольдлар фаолият юритарди. XII асрда пайдо бұлған герольдлар институти мураккаб тузилишга эга эди. XIX асрнинг биринчи ярмигача герольдлар дво-рян, цех ва ер мулкларининг гербларини тузиш билан шүгүлланган. XIV асрдан гербчилар устахонаси ташкил топған, унда мураккаб ва рангли герблар яратылған.

XIV асрда дастлабки геральдик трактатлар пайдо бұлди. Улардан энг қадимийси номаълум муаллифнинг «De Heraudie» асаридир. Италиялик юрист Бартоло ди Сассоферратонинг «Белгилар ва герблар ҳақида» трактати (1356), испаниялик инфант дон Хуан Магуэлнинг асарлари ва бошқалар геральдикага оид қимматли манбадир. Гербовниклар – герб тасвирлари туширилған күләзмалар ҳам асосий манбалардан ҳисобланади. Энг қадимги гербовник 1320 йилда Цюрих (Швейцария)да тузылған булып, «Zuricher Wappenrolle» деб аталади.

XVII асрға келиб герблар үзининг илгариги аҳамиятини йүқтеди. Бу даврдан унга илмий аҳамиятга эга манба сифатида қарашиб болылардың. Бу соҳада биринчи булып француз гербшунослари иш бошлади. XVII аср француз геральдикашуноси Ф. Менестриени бежизга «геральдика отаси» деб аташмаган. Геральдика XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб тарих фанининг алоқида соҳасига айланды.

Геральдика фани бошқа тарих соҳалари билан алоқадорлик да фаолият юритади: манбашунослик, генеалогия, нумизматика, археология, палеография, сфрагистика ва бошқалар.

Турли тарихий манбалар (құләзмалар, китоблар) билан ишлаланда биз күпинча герб тасвирларига дуч келамиз. Тасвирий материалдан ташқари ёзма манбалар ҳам геральдикани ўрганишда мухим аҳамияттағы эга. Баъзи хужжатларда – тақдим ёрлықлари,


сулолалар шажараси, суд қарорлари, йилномалар ва бошқалардан гербларнинг тавсифини учратиш мумкин. Грюнвальд жангида интирирок этган қүшинларнинг тавсифига бағишиланган Ян Длугош йилномаси бунга ёрқин мисолдир. Урта асрлардаги турнирлар, тантанали қабул ва дағи маросимлари тасвириланган манбайлар ҳам қизиқарли геральдик маълумотлар бера олади. Геральдиканинг баъзи хуқуқий асослари қонунчилик ёдгорлиширида ёритилган.

Генеалогия (юононча genealogiya – шажара) тарих фанининг сўдамчи соҳаларидан бири бўлиб, уруғ ва оиласларнинг келиб чиқини, айрим шахслар тарихи ва қариндошлик алоқаларини ўрганади. Унинг амалий соҳаси шажаралар тузишдир. Бу жиҳидан унга геральдик маълумотлар баъзи масалаларни оидинлаштиришга хизмат қиласи.

Нумизматика тангаларни ўрганувчи фан сифатида геральдиқ билан чамбарчас боғлиқ. Турли даврларда ҳукмдорлар ўз номидан пул зарб қилдирган, бу танга пуллар давлатнинг чегараси, иқтисодий бирлиги, бозордаги қийматини белгилайди. Ҳар олар ҳукмдорнинг зарб қилдирган танга пулларида ҳукмдорнинг тасвири ёхуд ҳукмрон сулола ёки давлат рамзи бўлган герблар ўз иксини топган. Ва, албаттга, танга пуллар бошқа манбаларга кирганда алоҳида ахборот ташувчилиги билан ажралиб туради.

Қадимги давр тангалари жамият ҳаётининг турли йуналиширини ёритиш билан бир қаторда, сиёсий тарих билан боғлиқ қатор муаммоларни оидинлаштириб беради. Биргина танга қараб, у қайси тарихий даврга хослиги, қайси ҳукмдор томонидан зарб этилгани, ундан кейин қайси ҳукмдор келгани, бу танга пулларнинг қиймати қанча бўлгани, унда аҳолининг ижтимоий турмуш тарзи қандай бўлган (уша давр кишилари қандай кийинганлиги тұғрисида этнографик маълумотларни бериш билан бирга) ҳақида ва бошқа кўплаб саволларимизга жиоб олишимиз мумкин булади. Нумизматик тадқиқотлар кўп ҳолларда геральдик маълумотларга таянади. Бунга кўплаб тариф

хий даврлардан мисоллар келтириш мумкин. Биргина Қадимги Юноистон шаҳар-давлатларининг тангаларига туширилган геральдик тимсоллар фикримизнинг исботи бўла олади.



Қадимти юнон тангалари

Муҳрларни ўрганувчи фан бўлган сфрагистика бошқа ёрдамчи тарих фанларига нисбатан геральдика фанига янада якинроқ. Сфрагистик ёдгорликлар геральдика билан муҳрларга герблар туширила бошланган кейинги даврлардагина эмас, балки геральдиканинг вужудга келиши давридаёқ боғлиқ бўлган. Қадимда хусусий мулкнинг пайдо бўлиши билан мулкка залик ҳукуқини тасдиқловчи белги тамға ёки рамзий тимсол ўрнида пайдо бўлган. Илк даврларда муҳрлардаги тасвиirlар гербларга айланган ёки, аксинча, герб тасвиirlари муҳрларга туширилган. Ўрта асрлардаги шахсий, корпоратив ва шаҳар муҳрлари бизга геральдикани ўрганиш учун бой материал беради.

Бундан ташқари, геральдика археология, палеография, эпиграфика каби фанлар билан ҳам боғлиқ булиб, ушбу фанни ўрганиш жараёнида улар ўртасидаги боғлиқликнинг гувоҳи бўламиз.

Ҳозирги вақтда геральдикани ўрганиш тўғрисида ҳар-хил тушунчалар мавжуд. Ҳатто унинг номини эмблематика деб ўзгартириш тўғрисида таклифлар илгари сурилаётган бўлса-да, барibir, аник маънода геральдика сўзи гербшунослик булиб қолаверади.

ГЕРБЛАРНИНГ ТАРИХИЙ БОСҚИЧЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Турли рамз ва белгилардан фойдаланиш инсониятга қадимги даврлардан бери хос. Қадимдан маълумки, бирор туда, сурух жамоа, кейинчалик давлат ҳукуқини олган сарҳадларда шартий шарти сифатида ёки биринчисини иккинчисидан афратиб турувчи белги сифатида турли белгилар, кейинчалик сомни ша рамзлар пайдо бўлган эди. Уруғ белгиси ва рамзлари «ототем» (Шимолий Амрикадаги хиндуларнинг оджибве қабиностинида «ототем» – «унинг уруги» деган маънода) деб аталди. Урга Осиё халқларида «тамға» тушунчаси ҳам худди шу маконни англатган булиб, «Сен менга тамғангни кўрсат, қайси кобилидан эканлитингни айтаман» деган халқ ибора ҳам буни таодицлайди. Шундан куриниб турибдики, ҳар бир даврда бундай белгиларининг мавжудлиги маълум маънода инсонлар турмуш тарзида алохида урин тутган.

Гербларнинг қадимги аждодлари ҳарбий қуроллар, байроқлар, узуклар ва шахсий буюмларда жойлаштирилган турли рамзий белгилар бўлган. Гомер, Виргилий, Плиний ва бошқа антик муаллифларнинг асарларида бундай белгилар ҳақида маълумотлар учрайди. Масалан, манбаларга қараганда, Александр Македонскийнинг дубулғасини денгиз оти (гиппокамп), Нуридия подшоси Массиниснинг дубулғасини ит, Рим императори Каракалланинг дубулғасини бургут безаб турган. Қалқонлар ҳам турли рамзлар билан безатилилган, масалан, Медуза Горгонанинг кесилган боши ва ҳоказо. Аммо бу тимсоллар безак сифатида ишлатилиб, эгалари томонидан ихтиёрий равишда ўзгартириб турилган ва ҳеч қандай қоидага бўйсунмаган. Фақат антик дунёнинг баъзи шаҳарлари ва оролларининг тимсоллари тангалар, муҳрлар, медалларда доимий равишда сақланиб келган. Масалан, Афинанинг эмблемаси – укки, Коринфники – Негас, Самосники – товус, Родос оролиники – атиргул бўлган.

Күпгина қадимги цивилизациялар ўз маданиятида геральдиканинг айрим элементлариға эга бўлган, масалан, муҳрлар ва штамплар тизими, у кейинчалик геральдика билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Мил. ав. III минг йиллиқда Шумер давлатлари бургут бошли шер тасвириланган «герб»га эга бўлишган. Мисрда геральдик тимсол – илон, Оссирияда икки бошли бургут, Арманистонда тождор шер, Эронда ва Римда бургут бўлган. Миср, Бобил ва Оссирияда муҳрлар Европадаги сингари хужжатни тасдиқлаш учун ишлатилган.

Қадимги германлар ўз қалқонларини турли рангларга бўягандар. Рим легионерлари ўз қалқонларида турли рамзларни тасвирилашган, уларга қараб легионерларнинг қайси когортага мансублигини аниқлаш мумкин бўлган. Рим байроқлари – vexilla (шуңдан байроқлар ҳақидаги фан – вексиллография келиб чиқкан)лар ҳам алоҳида тасвиirlар билан безатилган.

Геральдиканинг шаклланиши ва равнақ топиши эса ўрга асрларда юз берди. Бунга турли омиллар, биринчи навбатда, феодализмнинг ривож топиши ва салиб юришлари сабаб бўлди. Хужжатлардаги муҳрларда тасвириланган герблар илк бор XI асрда пайдо бўлган.

1127–1128 йилларда қирол Генрих I Анжуий ва Мен графи бўлган куёви Жофруа Плантагенетни рицарлик унвони билан тақдирлаганлиги тўғрисидаги маълумотлар қиролликнинг 1170 йилгача бўлган йилномасини ёзган Жона Мармутьер томонидан келтирилади. Ушбу маросимда қирол граф Жофруа Анжуийскини ғаройиб олтин шерлар билан безатилган мовий рангли қалқон билан тақдирлайди. Албатта, бундай ажойиб қалқон Жофруа Плантагенетнинг Ле-Манедаги кабри устига ўрнатилган (1151 йилда вафот этган) саганасидаги француз эмал суратида кўриш мумкин. У хозирда де Тесс (Ле-Ман) мўзейида сақланмокда. Таъкидлаш уринлики, бу ердаги тош тахта ва маросим тўғрисидаги маълумотлар воқеа содир бўлганидан ўтиз йил ўтиб битилган. Бироқ Жофруанинг ноқонуний туғилган


оғынраси, қироллар Ричард I Шерюрак ва Жоннинг ўгай акаси Солсбери әрли (графи) Уильям Лонгспи (лақаби – Узун қилич) шин Солсбери кафедрал соборидаги сағанасида худди бобоси-шаки киби қалқон күтариб кетаётганлар тасвириланган. Анжуй графи Жоффруа 1151 йилда, Уильям Лонгспи эса 1226 йилда шифот үтган. Уларнинг қалқонларидағи тасвиirlар бизда герблар ипподиши-авлодға мерос булиб үтган деган тассавурни уйғатады. Биринчи бор үз гербига эга бўлган инглиз қироли Ричард I Шерорикдир.

1096-1291 йилларда давом этгани салиб юришлари Европа тарихидаги мухим давр бўлди. Турли мамлекат рицарларининг бир оғизи тўпланиши, салибчилар кўшишларининг турли миллат ва килинидан иборат эканлиги, куролларининг ўзига хос хусусияти, Шарқ цивилизацияси қўнгина ихтиrolарининг узинширилиши ва шу каби бошқа омиллар геральдиканинг вужудга келиши ва ривожланишига турткни бўлди. Бу даврда герблар омниий равишда пайдо бўла бошлиди. Бу эса тартибга солинган римзий белгилар тизимини яратиш эҳтиёжини тутдирди. XII йирда курол-аслаҳалар янада мураккаблашди. Бошдан-оёқ зирхги ўралган рицарни нафақат узокдан, балки яқиндан таниш ҳам мушкул эди. Бу вазият танитувчи белги сифатида герблардан фойдаланишини кучайтирди. Қалқонда тасвириланган гербга қўшимча сифатида бошқа геральдик белгилар ҳам пайдо бўла бошлиди. Геральдиканинг равнақ топишида рицарлар турнирлари ҳам мухим ўрин тутди.



Жоффруа Плантагенет
сағанасидаги эмал сурат

Геральдиканинг вужудга келиш сабаблари қандай бўлишидан қатъи назар, муҳрлар ва байроқлардаги қадимги белгилар, XII асрда Европадаги феодаль тузум, рицарларнинг турнирлари, ҳарбий жанг анжомларнинг ривожланиши, XIII аср бошларида геральдик рамзлардан фойдаланиши фанда меросийлик ҳолатига ўтади. Юқорида айтиб ўтилганидек, геральдиканинг вужудга келиши ва тизимли шаклланишига асосий сабаблардан бири ҳукмрон синф ўртасидаги табақаланишнинг кучайиши бўлиб, герблар ўз эгасининг табақаси, тоифаси, касби ва ерга эгалик ҳукуқини ўзида мужассам этиши лозим эди.



Рицарлар турнири

Айнан шу даврда герблар ҳақидаги билимларни тизимга солувчи, гербларни тузиш ва уларни аниклашнинг умумий қонун-қоидаларини ишлаб чиқувчи герольдлар пайдо бўлди. Герольдларнинг вазифалари бу билан чекланиб қолмасдан, улар яхши хотирадан ташқари геральдика, генеалогия ҳақида чукур билимга ҳам эга бўлиши керак эди. Ушбу янги фанга ном берувчи герольдлар (тез орада ном беришди) герблар тўғрисидаги ёзувларни тўплаш орқали геральдиканинг шаклланишида муҳим ўрин тутишди.

Бу ёзувлар «Гербларнинг архивномалари» (Уроғлик хатлар) номи билан машҳур бўлиб, кўп ҳолларда нағислик билан безатилган ва ўзига хос ҳужжатлар тўплами сифатида уларнинг эгалари лордлар, дворянларнинг герблари, шунингдек, вассал-

тарнинг кайд этилган герблари тўғрисида маълумотлар келтиришган.

Шунга ўхшаш кўплаб суратли ёки суратсиз ўрта асрлар архивномаларида маълум бир воқеа муносабати билан, жанг ёки риширлар турнирларида иштирок этган шахсларнинг герблари сабаб ўтилади. Бошқаларида эса герб маълум бир вилоятнинг риширларига тегишли эканлиги таъкидланади. Ушбу ҳужжатлар тарихчига Европанинг каттагина қисмида эндиғина шаклланасетган миллий давлатлар ва уларнинг ижтимоий таркиби тўғрисидаги маълумотларни ҳам беради. Мисол тариқасида, 1370 йилди Гельдерн герцоглигидаги герблар буйича масъул шахси, яъни герольди хисобланган Клас Хайнен томонидан яратилган герблар тўплами ажойиб ҳолда сакланганлиги билан дикқатга оловор. Ушбу герблар тўпламида феодаль князларнинг (гернот, граф) катта ва уларнинг вассалларининг (барон ва рицарлар) кичик герблари намойиш қилинган. Шунингдек, тўпламда бу даврда турли давлатлар геральдикашунослари ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг йўлга қўйилганлиги ҳақидаги маълумотлар хим учрайди.



Ўрта аср герольдлари

Европа геральдикаси сингари тизим Шарқ мамлакатларидан, хусусан, Японияда XII шаклланган. Япониянинг геральдик тизими «мон» деб аталади. Монлар байроқларга, кимоноларга, қурол-аслаҳаларга туширилган. «Нихон сёки» деб аталган қадимги ёзма манбада кўрсатилишича, биринчи шахсий тимсолга

эга бўлган император Суйко (554–628) ҳисобланади. У ўз ҳарбий байрокларини белгиланган тимсол билан безашни буюрган. Япон геральдикасида монларда ифодаланган мавзуларнинг олтита асосий тури мавжуд: ўсимликлар, ҳайвонлар, табиат ҳодисалари, инсонлар томонидан яратилган буюмлар, мавхум суратлар ва иероглифлар. Ўсимлик дунёси тасвиirlанган монлар энг кенг тарқалган. Мисол тариқасида Япон император хонадонининг 16 баргли хризантема тасвиirlанган монини келтириш мумкин.



Япон монлари

Геральдика ривожланишининг илк даврларида унинг назарий қисмига оид расмий қонун-қоидалар деярли йўқ эди. Албатта, бошланғич даврдаёқ расмий тасдиқланмаган бўлса-да, амалда риоя этиладиган талаблар, қоидалар мавжуд бўлган. Бугунги кунда кўлланиб келинаётган қоидалар, асосан, XVIII асрда ишлаб чиқилган.

Ушбу фанни ўрганувчилар гербларни таърифлаш, таҳлил қилиш учун маҳсус атамалар ва қонун-қоидалар билан танишишлари шарт. Шу боис биз улар ҳақида умумий маълумот бериб ўтамиз.

Герб тасвири түлиқ ва түлиқ бўлмаган бўлиши мумкин. Ўник, герб қўйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади: қалқон, дубулға, нашлемник, бурелет, намёт, қалқон тутувчи (шитодержатель), мантия, асос, шиор⁴.



Түлиқ герб

Гербнинг асосий элементи герб қалқони ва ундаги тасвир ҳисобланади. У ўз эгаси ҳақида етарли даражада маълумот бера олади. Қалқон энг аввал вужудга келган геральдик элементлардин биридир. Қалқоннинг шакли ҳақида гапирилганда рицарлар қлиқони эмас, геральдик қалқонни назарда тутиш лозим. Илк гербларда герб қалқонининг шакли ҳарбий қалқонга дахлдор бўлган. Сўнгти даврларда бу боғлиқлик у қадар муҳим аҳамият касб этмаган. Геральдикада энг кўп кўлланиладиган қалқон тури француз қалқонидир.

Шу ўринда, қўйидаги расмда энг кўп тарқалган қалқон шаклнарини кўрсатиб ўтмоқчимиз.

⁴ Айрим сўзларни тўғридан-тўғри таржима қилишда ғализликлар пайдо бўлиши слаббли, матидаги айрим атамаларни манбаларда қандай берилган бўлса, шундайлигича келтирдик.



Немис

Инглиз

Испан



Француз

Итальян

Польша

Ромб-
симон

Доиравий

Квадрат-
симон



Австрия империяси ва унинг ерлари герби
(масалан, ўнгда Венгрия қироллиги герби)

Дубулға қалқон устига жойлаштирилади. Дубулғанинг шаклариниктүү үтиши билан үзгариб турган. Аста-секин дубулғанинг герб шасининг титули, мавқеи ва унвонига қараб тасвиirlовчи көршөмөр ишлаб чиқылди.



Дубулғаларнинг шакллари

Нашлемник дубулғанинг тепасига маҳкамланган безак бүлиб, дастлаб улар ҳайвонлар шохи ва күш патларидан тайёрланаңган. Гербнинг бу қисми рицарлар турнирлари пайтида кенг түркәлди. Қалқонда тасвирланган гербга қараганда дубулға учиға ўрнатилған безак рицарни узокдан таниш имкониятини берган. Дубулға безакларининг асосий турлари қуйидагилар бўлган: шохлар, қанотлар, патлар, байроқлар, табиий шакллар (инсон ва ҳайвон шакллари), бош кийимлар ва ҳ.к. Нашлемник дарҳол гербнинг таркибий қисмига айланмади. Уни XVI асрда инглиз герольдлари қонунлаштирилдилар.




Нашлемникнинг турли шакллари

Дубулға безаги дубулғага бурелет ёки тож билан бириктирилган. Бурелет ёки бурелет деб гербнинг турли рангдаги матолардан тайёрланган чамбаракка ўхшаш қисмiga айтилган.

Тож дубулға устига ёки, давлат гербларида бұлғани каби, тұғридан-тұғри қалқон тепасига жойланыптирилади. Гербдаги тож герб згасининг унвонини күрсатған. Гербларда тожнинг қуидаги турлари учрайди: монархлар ва давлат гербларида суверенитет рамзи сифатида берилған император, қирол ва князлик тожлари, маркиз, граф, виконт, баронлар тожи, дворянлар диадемаси, рухонийларнинг митраси, тиараси ва бош кийимлари, шаҳар гербларида акс этирилған минора тожлари.

Намёт (lambrequin, mantling) дубулғага мақкамланған мато тарзида тасвирланған бўлиб, бутун ёки йиртилған ёпинчиқни эслатади. Бурелет ва намётнинг пайдо бўлиши салиб юришлари билан боғлиқ. Иссик Шарқ мамлакатларида рицарлар ўзларини қуёш тиғидан сақлаш учун араб жангчилари сингари дубулға устидан ёпинчиқ ташлаб, уни чамбарак билан мақкамлаганлар. Бу икки элемент кейинчалик гербнинг муҳим таркибий қисмига айланған. XIV асрда намёт бутун ёки чеккалари кесилған тарзда, XV асрда энсиз мато булаклари тарзда, XVI асрдан ўсимликсимон нақш тарзида тасвирланған.



Бурелет



Турли шаклдаги ҳукмдорлар тожи



Намётнинг турли шакллари

Мантия – монархлар тантанали
анъянавий қисми бў-
ли, геральдикада суверенитет рам-
зи сифатида монархлар ва суверен-
дорининг, шунингдек, зодагонлар-
ини юқори табака вакиллари гер-
блариди берилган.



Қалқон тутувчи

Қалқон тутувчилар (щитодержатель) деб қалқоннинг икки томонида тасвирланган ва уни тутиб турган шаклларга айтилган. Улар геральдик ҳайвонлар ёки инсон қиёфасида берилган. Қалқон тутувчи бигта ёки иккита бўлиши мумкин.

Асос бу қалқон тутувчилар ва гербнинг ўзи жойлашган платформадир. Бу ўтлоқ ёки тепалик (Буюк Британия герби), музлик (Исландия герби), ўймакор плита (Греция ва Швеция герби), тог (Малави герби) ва бошқалар бўлиши мумкин. Асос гербнинг зарурий қисми бўлмай, кўпинча, унинг ўрнига шиор тасмаси тасвирланади.

Шиор, одатда, қалқон пастидаги тасмага ёзилган қисқача сўз бўлиб, баъзан шиор тасмасиз, герб атрофига ёзилади. Шиорлар – рицарларнинг ҳарбий урони (шартли паролга ўхшаш сўз), бирор-бир хикматли сўз, айрим тарихий ҳодисани эслатувчи қисқача ибора бўлиши мумкин. Масалан, Россия империяси шиори «Худо биз билан», Франциянинг замонавий гербдаги шиори «Озодлик, тенглик, биродарлик», Буюк Британия шиори «Худо ва менинг хукуқим».

Европа гербларида учрайдиган жиҳатлардан бири ранг бўлиб, ёрқин ранглар гербларни узоқдан таниш имконини берган. Геральдик ранглар металл, мўйна ва финифт (сир, эмал)га бўлинади. Бу номлар герблар ёғочдан ясалиб, металл ёки мўйна билан қопланган





Пруссия қироллигининг
гербидаги асос



Манрике де Лара
(Испания) оиласининг
шиори

цирдан қолган. Геральдикада етти хил рангдан фойдаланилади: икки хил металл ва беш хил сир (финифт). Дастреб фақат түртта ранг ишлатилған: қизил, күк, қора ва оқ, кейинчалик яшил, сарық ва алвон ранглар пайдо бўлди. Гербни доим рангли тасвирлашнинг имкони бўлмаганлиги сабабли XVII аср бошида финифт ва металларнинг график тизими ишлаб чиқилган.

Геральдик металлар иккита: олтин ва кумуш. Олтин ва кумуш рангларни ишлатиш мумкин бўлмаган ҳолларда олтин сарық, кумуш эса оқ ранг билан ифодаланган.




**Олтиннинг график Кумушнинг график
тасвири тасвири**

Асосий геральдик финифти (сир ёки эмал)лар 5 та: қизил (график тасвири – вертикал чизиқлар), мовий (горизонтал чизиқлар), яшил (геральдик ўнг диагонал чизиқлар), бинафшаанг (геральдик чап диагонал чизиқлар), қора (кесишган вертикал ва горизонтал чизиқлар).




Бундан ташқари, геральдикада табиий ранглардан ҳам фойдаланилади. Ногеральдик шакллар ўзининг табиий рангига акс отирилилган.

Геральдикада икки хил мўйна ҳам ишлатилган: Оқ сувсар (горностай) ва олмахон териси. Мўйналардан фойдаланиш аъянаси қадимда қалқонларни мўйналар билан ўраш одатидан келиб чикқан бўлиши мумкин.



Оқ сувсар мўйнасининг
график тасвири




Олмахон мўйнасининг
график тасвири


Гербларда рангларнинг рамзий маъносига албатта эътибор қаратилган. Масалан, олтин – қудрат ва бойлик, кумуш – олижаноблик, тозалиқ, доимиийлик, мовий ранг – буюклиқ, гўзаллик, аниқлик, қизил ранг – қудрат, ёшлиқ, қора ранг-донишмандлик, жиддийлик каби маъноларни билдириб келган.



Бош



Устун



Белбоғ



Ўнг ва чап боғич



Куйи қисм



Стропило



Хоч




Кирғоқ

Гербдаги шакллар геральдик ва ногеральдик шаклларга бўлинади. Геральдик шакллар геральдик қалқоннинг турлича бўлинишидан пайдо бўлади ва, ўз навбатида, асосий ва иккинчи

даражали шаклларга бўлинади. Асосий шакллар саккизта: бош, куёни қисм, устун, белбог, ўнг ва чап боғич, стропила, хоч ва киртоқ. Иккинчи даражали геральдик шакллар жуда кўп: квадрат, бурчак, ромб, эркин қисм ва х.к.

Ногеральдик шакллар табиий, сунъий ва афсонавий шаклларги бўлинади. Табиий шаклларга табиатда учрайдиган мавжудлар, осмон жисмлари киради. Булар ҳайвон, ўсимлик, инсон, сув, олов, қуёш, юлдуз, тоғ, дарё ва бошқалар бўлиши мумкин.



Табиий шакллар

Сунъий шакллар инсон томонидан яратилган жисмлар: курол-яроғлар, меҳнат қуроллари, хўжалик буюмлари ва бошқалардир.



Сунъий шакллар

Афсонавий шакллар инсон тасаввури яратган тимсоллардан иборат: аждар, бир шохли от, кентавр, сфинкс ва бошқалар.



Афсонавий шакллар

Геральдикада томонлар нисбатининг тескари принциги мавжуд. Герб қалқонининг чап ва ўнг тарафи унинг олд томонида турган томошибинга нисбатан эмас, қалқонни тутиб турган кишига нисбатан ҳисобланади. Шундай қилиб гербнинг ўнг тарафи геральдик чап, чап тарафи геральдик ўнг ҳисобланади.

Агар қалқонда ҳаракатдаги бирор шакл тасвирланган бўлса, бу ҳаракат геральдик ўнг томонга йўналтирилган бўлиши керак. Геральдик шакллар қалқонининг қайси томонида жойлашганини аниқлаш учун қалқоннинг бўлининиши билан ҳам танишиш лозим. Кўп ҳолларда қалқон икки ва ундан ортиқ қисмга бўлинган бўлади. Вертикал, горизонтал ва диагонал чизиқлар ёрдамида тўргта асосий бўлининиш амалга оширилади. Улар биргаликда мураккаб бўлинишларни ҳосил қиласди.



Гербнинг асосий тўрт бўлининиши:

А – қалқоннинг ўнг томони;

Б – қалқоннинг чап томони;

В – бош қисм;

Г – асос ёки куйи қисм.

Гербнинг томонлари:

Д – юқори ўнг бурчак;

Е – юқори чап бурчак;

Ж – бошнинг ўрта қисми;

З – куйи ўнг бурчак;

И – куйи чап бурчак;

К – асоснинг ўрта қисми;

Л – марказ ёки қалқоннинг юраги.



Гербларни таърифлаш – блазонлаш учун баъзи қоидалар биш таниш бўлиш керак. Республика тузумидаги давлат гербларни таърифлаш қуийдаги тартибда амалга оширилади:

1. Герб қалқони.
2. Чамбарак.
3. Қалқон ёки гербнинг юқори қисми.
4. Қалқон тутувчи.
5. Шиор.
6. Алоҳида безаклар.

Монархия давлатлари, дворянларга мансуб шахсий гербларни таърифлашда қуийдаги тартибга риоя қилинади:

1. Герб қалқони.
2. Тож.
3. Дубулға. Нашлемник. Намет. Бурлет.
4. Қалқон тутувчи.
5. Мантия.
6. Шиор.
7. Алоҳида безаклар.

Гербларни таърифлаш (блазонлаш):

1. Гербнинг таркибий қисмлари – 4 с.
2. Геральдик ранглар ва уларнинг график тасвири – 4 с.
3. Герб қалқонининг бўлининши – 4 с.
4. Геральдик шакллар ва уларнинг турлари – 4 с.
5. Гербни блазонлаш қоидалари – 4 с.

Методик тавсиялар:

1-мавзу бўйича. Гербнинг таркибий қисмлари ҳакида тўлиқ маълумоттага эга бўлиш, уларнинг турли шаклларини билиш, танинган гербдаги таркибий қисмларни таърифлай олиш лозим.

2-мавзу бўйича. Геральдик ранглар ҳакида маълумот тўплаш, ҳар бир рангнинг ўзига хос маъносини ўрганиш ва герб рангсиз берилган ҳолатда уларни график тасвири орқали ажратта олиш керак.

3-мавзу бўйича. Маълумки, герб қалқони кўп ҳолларда икки ёки ундан кўп қисмга бўлинган бўлади. Гербни таърифлаётган

вақтда қалқон бүлинишининг шаклларини яхши билиш керак. Қалқоннинг тўртта асосий бўлинишидан (вертикал, горизонтал, ўнг диагонал, чап диагонал) ташқари турли мураккаб таркибли бўлинишлар билан ҳам таниш бўлиш лозим. Бу ўринда қалқон бўлинишидан ҳосил бўлган шаклларни герб шакллари билан адаштириб юбормаслик зарур.

4-мавзу бўйича. Геральдик шаклларни таърифлашда ҳам ўзига хос қоидаларга риоя қилинади. Бу ўринда қалқоннинг жуфт бўлиниши доимо бирор геральдик шакл (бош, қуйи қисм, устун, белбог, ўнг ва чап боғич, стропила, хоч ва қирғоқ)ни ҳосил қилишини ҳисобга олиш лозим. Факат ток бўлинишлар туфайли геральдик бўлмаган шакллар ҳосил бўлади.

5-мавзу бўйича. Блазонлаш доимо қисқа ва иложи борича шундай аниқ тузилиши керакки, сўз ифодаси орқали таърифла наётган гербнинг суратини чизиш ёки хаёлан тасаввур қилиш мумкин бўлсин. Аммо бу ҳолатда блазонлаш француз, инглиз ёки немис тилларидан олинган атамалардан иборат эканлигини ҳисобга олиш лозим.

Куйида гербни таҳлил қилишга мисол келтирилган:

Миср қироллигининг герби (1922–1953)

Тарихи. Ушбу герб Мисрнинг охирги сultonи ва биринчи қироли Фауд I (1868–1936) 1922 йилда, Буюк Британия Шимолий Африкадаги ушбу протекторатининг мустақиллигини тан олганидан сўнг қабул қилинган ва Миср қиролларининг уч авлодига хизмат қилиган. Ушбу расмда гербнинг қисқартирилган шакли берилган.


Блазон. Мовий майдонда: учи тепага қарagan яrim ой устида учта беш қиррали юлдуз, битта ва иккита; барча шакллар кумушдан. Қалқон устида Миср қироллигининг тожи жойластирилган.



ГЕРБЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Ҳар қандай гербни ўрганишга киришар эканмиз, унинг қайси турга мансублиги ҳақидаги савол туғилади. Гербларнинг типологияси ҳақидаги масала илк геральдик тадқиқотларда ёк күндаланг бўлган эди. Дастребаки даврларда герблар типологияси соддароқ бўлган, гербшуносликда маълумотларнинг кўпайинши билан баъзи герблар типологиясини бирлаштиришга бўлган шигалиш уни мураккаблаштириб борди.

Гербларни турларга ажратиш масаласига турли нуқтаи нафдан ёндашиш мумкин. Масалан, гербларни кимга мансублигига қараб турларга ажратиш мумкин. Бу жиҳатдан гербларни шахсий герблар, корпоратив герблар, худудий гербларга ажратиш мумкин.




Шахсий гербларнинг энг қадимишлари рицарларнинг ва зодагон табақа вакилларининг гербларидир. Вакт ўтишини билан бу шахсий герблар сулолалар гербига айланди. Юқори табақа вакилларининг шахсий герблари (герцоглар, кироллар) кейинчалик давлат гербига оғланниб борган.

Шахсий герблар мерос қолдирилши, аммо бир вақтнинг ўзида иккиниши бир хил гербга эгалик қила олмаган. Шу туфайли ўғилларнинг герблари бир-биридан фарқ қилиши лозим бўлган. Бунинг учун турли белгилар киритилган ва улар қалқоннинг тепа




Уэльс шаҳзодаси
Чарльзнинг шахсий
герби

қисмидә жойлаштирилган: энг катта ўғил – учта тармоқли энсиз чизикдан иборат белги, иккинчи ўғил – яримой, учинчи ўғил – беш киррали юлдуз ва х.к.



Ўғиллар гербларида акс эттирилган маҳсус белгилар

Ноқонуний фарзандлар ҳам ўз шахсий гербига эга бўлиши мумкин бўлган. Факат бу ҳолатда ҳам гербга ўзига хос маҳсус белгилар туширилган.



Бургунд герцогларининг иккита ноқонуний фарзандлари гербидан намуналар (XV аср). Гербнинг қалқонида уларнинг оталарининг герблари бўш қолдирилган

Феодал сеньор сифатида рухонийларнинг герблари ҳам шахсий гербларга мисол бўлади. Рухонийлар гербига унинг шахсий дуиёвий герби асос бўлган. Рухонийларнинг тўлиқ гербидаги дубулға ўрнига рухонийларнинг бош кийими – митра, клирикнинг бош кийими, уларнинг ёнбошида намёт ўрнига эса шокиали богичлар жойлаштирилган. Бу сўнгти элементлар Италияда XIV асрда пайдо бўлди, XV асрдан эса кенг қўлланила бошланди. Дастлаб улар қизил ва қора рангда бўлган, қизил ранг кардиналлар гербидаги ишлатилиган. Кейинчалик богичлар епископлар ва архиепископлар гербидаги яшил рангда, пастроқ мансабдаги рухонийлар гербидаги қора рангда тасвирлана бошлаган.

Ўрта асрларда аёллар ҳам ўзининг фоодал эркинлик ва мустақиллик кукуқига қараб, ўз гербига эгалик қишини мумкин бўлган. Масалан, Анна Брестонская герцогиня сифатида бунга ўли ҳақли эди. Турмушга чиққунга қатор аёллар, одатда, ўз оталари гербигиг тасвиридан фойдаланишган. Кўп ҳолларда уларнинг қалқони ромб шаклида бўлган ва герб дубулғасиз тасвирланган. Бургундияда турмушга чиқмаган аёлларнинг гербида қалқон икки қисмга ажратилган, унинг бир қисмида сулола герби акс этган, иккинчи қисми ёси келажакда турмуш ўртоғининг гербини жойлаштириш учун бўши қолдирилган. Баъзан никоҳдан сўнг аёллар гербининг чап қисми эркаклар гербининг ўнг қисми билан бирлаштирилган. Бунинг иложи бўлмаган ҳолатларда бошқача усувлардан фойдиланилган. Масалан, аёлларнинг герби турмуш ўртоғининг герби марказида кичик қалқонда тасвирланган.



Рим папаси Иоани
Павел II нинг герби



Аёлларнинг герблари

Шахсий герблардан сўнг корпоратив герблар ҳам кенг тарқалган. Қатор хусусиятларга кўра, улар шаҳар гербига яқин туради. Шу билан бирга, корпоратив гербларни шахсий герблар билан таққослаш мумкин.

Корпоратив гербларга хунармандлар цехларининг, савдо-тарлар гильдияларининг, ҳарбий орденларнинг, конфесиялар-

нинг (алоҳида монастирлар, биродарликлар), университетларнинг герблари киради. Хунармандлар цехларининг гербларида уларнинг машғулоти билан боғлиқ тимсоллар (иш қуроллари, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва ҳ.к.) билан бир қаторда уларнинг касбига ҳомийлик қилувчи авлиёлар тасвири ҳам берилган.

Университетлар кўп ҳолларда уларга асос солган шахсларнинг гербидан фойдаланишган. Масалан, Англиядаги Итон коллежи 1449 йилда коллеж асосчиси бўлган қирол Генрих VI (1421–1471)нинг гербини қабул қилиб олган.

Герб турлари ичида вақтингчалик гербларни ҳам алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Уларга никоҳ герблари, сиёсий иттифоқларнинг герблари кабилар мисол бўлади.



Шаҳзода
Ольденбург-
нинг
никоҳ
герби
(XIX аср)



Тузфурушлар
герби



Мэнтондаги
кўмирчилар
герби



Христ (Кембриж)
колледжидаги
Маргарита
Бьюфорт герби

Худудий гербларга давлат герблари, шаҳар герблари, алоҳида тарихий вилоятларнинг герблари кабилар киради. Бу гурухга кирадиган герблар шахсий герблардан факат худудий шаклига кўра эмас, герб тасвирларининг алоҳида моҳиятига кўра ҳам фарқ қиласди.

Шаҳар геральдикаси зодагонлар геральдикасининг одатлари ва шаклларини қабул қилган ҳолда, уларни янги мазмун билан бойитди. Шаҳар ўз гербидан фойдаланадими ёки сенъор гербидан, бундан қатъи назар, унинг ортида шаҳар жамоаси, мазкур манзилгоҳнинг тенг ҳуқуқли аҳолиси турар эди. Шаҳар герб-

Парининг келиб чиқиши ягона манбага эга эмас, аммо барча шахирларнинг ўз гербига эга бўлишга интилишини таъкидлаб Унни лозим. Сенъорлар ҳудудида пайдо бўлган баъзи шаҳарлар ўз герби сифатида унинг гербини, тўлик ёки қисман, қабул қилганишар. Баъзан эса сенъор тобелигидан озодлик рамзи сифатида шахирлар гербида қирол гербининг геральдик шакллари акс эттирилган.

Шаҳар герблари орасида ҳам баъзи гуруҳларни ажратиб курсатиш мумкин. Улар тасвирий воситаларнинг алоҳида хусусиятлари билан ҳам, бу хусусиятларни келтириб чиқарган шахир марказларининг характеристири билан ҳам боғлиқ. Масалан, шахир-портларнинг герблари. Бундай гербларда кўп ҳолларда рамзий маънода денгиз савдоси билан боғлиқ шаҳарларнинг бойлиги, қудрати манбаи бўлган умумий хусусиятлар акс этган. Писабон, Париж, Ганза шаҳарлари герблари бунга мисолдир.



Париж шаҳрининг герби



Лондон шаҳрининг герби

Шаҳар гербларининг бошқа тури – шаҳар деворлари акс этган герблар. Бу шаҳар мустақиллигининг рамзи бўлган. Ўрта ясрларда кўпгина шаҳарлар ўз гербига эга бўлган. Венеция гербида қанотли шер, Лондон гербида бут ва қилич, Москва гербида чавандоз расми, Самарқандникида (Темур) уч ҳалқа тасвирланган. Ҳозир ҳам шаҳарлар герблари кенг тарқалган. Қуйидаги Самарқанд, Санкт-Петербург ҳамда Қозогистон вилоят ва шаҳарларининг амалдаги герблари бунга мисол бўлади.



Самарқанд шаҳрининг герби



Санкт-Петербург шаҳрининг герби



Қозғистоннинг вилоят ва шаҳар герблари

Европа давлат гербларининг барчасига хукмрон сулолаларнинг герблари асос бўлган. Масалан, Англия гербига 1154–1399 йилларда хукмронлик қилган Плантагенатлар сулоласининг герби, Дания гербига қирол Кнуда VI Вальдемарsson герби, Бельгия, Нидерландия ва Люксембург гербига Бургунд герцогларининг қадимги эмблемаси асос бўлган. Замонавий Европа давлатлари гербининг кўпчилигида бугунги кунда ҳам ҳокимиёт ва давлатчиликнинг анъанавий рамzlari бўлган шер ва бургут тасвири учрайди.

Хозирги вақтдаги давлат гербларига назар ташлайдиган бўлсак, кўпчилик мамлакатларда юз йиллар олдин вужудга келган миллий ва давлат рамzlari даврлар силсиласига қарамай, ўзгаришсиз қолганлигини кўриш мумкин. Бу эса даврлар ўртасидаги узвий боғлиқлик, миллатларнинг мустаҳкам тарихий хо-

таришни ва анъаналарга содиқлигидан дарак беради. Бироқ баштада мимлакатларнинг давлат герблари гээтийор берганимизда, унтарининг турли ижтимоий-сиёсий жараёнлар тасирида тез-тез үзүнчлүк турганлигини кўришимиз мумкин. Бунга Афғонистонниң герби мисол була олади.



2004 йилда тасдиқланган Афғонистоннинг сўнгги Давлат гербидаги бир қанча шаклларда Афғонистоннинг байроқлари ҳам тасвириланган. Гербнинг тимсолида араб имлосида «Шаходат» сураси битилган бўлиб, пастки қисмида масжид ва унинг ичили Маккага юзланган меҳроб ва жойнамоз тасвири акс этган. Масжиднинг икки ёнига хурматлилик рамзини билдирувчи байроқ тасвириланган. Масжид остига ўша халқнинг номи битилиб, масжиднинг атрофи гулчамбар билан ўралган. Гербда ҳижрий 1298-йил (милодий 1919-йил) ёзуви акс этган бўлиб, айнан ўша

йили Афғонистон Буюк Британиядан ташқи сиёсатда мустақил бўлган.

Шу ўринда, геральдика билан бевосита алоқадор бўлган байроқлар ҳакида ҳам маълумот бериб ўтишни лозим топдик. Байроқни ўрганувчи фан вексиллография деб аталади. Кўп хусусиятлар байроқларни герблар билан боғлаб туради. Кўп ҳолларда байроқлар герб тасвирини беришнинг бир воситаси бўлган. Аммо герб ва байроқларни бир-биридан фарқ қилувчи хусусиятлар мавжуд.



Байроқларнинг ilk кўринишлари узун ёғочнинг юқори қисмидаги ўрнатилган турли шакллардан иборат ҳарбий белгилар бўлиб, улар баъзан турли рангдаги тасмалар билан безатилган.

Бундай белгилардан қадимги даврларда ёқ фойдаланиб келинган. Уларнинг қадимги Миср ва Оссуриядаги рельефларда сақланиб қолган тасвирлари маълум. Бундай белгилар саркардаларга жангни бошқаришда ёрдам берган: улар исталган вақтда бундай белгига қараб, у ёки бу ҳарбий қисмнинг қаерда жойлашганини аниқлай олган.

Қадимги Римда бундай белги сифатида турли рангдаги мато парчаларидан фойдаланишган. Римликлар уларни «вексиллюм» деб аташган. Вексиллюмлар ҳозирги байроқларнинг аждодлари бўлган дейиш мумкин.

ФРАНЦИЯ ГЕРБЛАРИ ТАРИХИ

Француз зодагонлари, геральдика тарихида биринчилар қаторида туради. Айнан Европанинг шимолий қисмидаги Франция ва Фландрия ҳудудлари геральдиканинг ривожланган ҳудудлари қаторига киради. Шунинг учун барча сарой маданиятини билишда геральдиканинг француз модели бошқа мам-

шикатлар геральдикасига ўзининг кучли таъсирини кўрсатди. Ҳозирги кунга қадар қўлланиладиган «геральдика» атамаси инглиз тилида сўзлашувчи халқлар томонидан қўлланилса-да, у ўз илдизлари билан ўрта асрлар Франциясига бориб тақалади. Агар, Англияда герольдмейстерларга кўплаб герб масалалари билан шуғуланиши ва улар устидан назорат ўрнатиш ҳамда монарх номидан герблар чиқариши вазифалари юклатилган бўлса, Францияда бундай ҳолат қузатилмайди. Гербларни чиқариш хукуки (бошқа Европа давлатлари каби) Францияда, асосан, монархларга тегишли бўлган.

1616 йилда Францияда герольдларнинг хукуқлари кескин пасайтирилган, чунки қирол томонидан маҳсус геральдик судья, Juge General d'Arms de rance лавозими таъсис этилган. Бунга кўра, судья геральдика соҳасидаги баҳслар билан шуғулланади ва ҳатоликларни тұғрилайди, янги армигерлар белгиланган тимойиллар асосида яратилган гербларни ундан олади. Тез орада, ушбу лавозимга сайлаш меросий характерга эга бўлиб, 1641 йилдан 1696 йилгача бу мансаб д'Озье оиласи қўлида бўлган.

Бошқа давлатлар геральдикасидаги каби француз гербларида маълум ягоналик ва амалий қоидалар сақланган бўлса-да, миллий ўзига хослик хусусиятлари сақланиб қолган. Масалан, бутун ўрта асрлар давомида кленодлар факат «турнирлар доирасида» иштирок этувчи рицарлар томонидан олиб юрилган бўлса, сунгти француз геральдикасида бу ҳолатни камдан-кам кўриш мумкин.

Мартабалар тожи барча даражадаги аслзодаларда мавжуд бўлиб, уларга қўшимча сифатида бериладиган даракта «vidame» мартабаси бўлган. Кимда-ким бундай мартабага эга бўлган бўлси, епископ ҳарбий кучларининг бош кўмондони сифатида фолият курсатган ва уруш пайтларида епархиянинг масъул ҳимоячиси бўлган. Тож қимматбаҳо гулчамбар билан безатилган, тўртта хоч бўлиб, геральдикада биттаси тўлиқ тасвирланган, иккитасининг эса ярмигача тасвирланган.

Францияда дворянлар, уларнинг даражалари қандай бўлишидан қатъи назар, қўшимча мартабаларга эга булишиб, пэр унвонинин олишган. Уларнинг герблари ўзидан юқори мартабадагилар гербларининг орқа томонида жойлашган ва бу уларнинг жамиятда тутган ўрнини ҳам билдирган. Мантия илк маротаба армигернинг герби билан безатилган. Кейинги даврларда улар мовий рангда бўлиб, чекка қисмлари зарҳал билан безатилган.


ФРАНЦУЗ ҚИРОЛЛИК ГЕРАЛЬДИКАСИ

Биронта бошқа бир тимсол француз нилуфари ёки «флер де лис» каби узоқ муддатли нуфузга эга бўлмаган. Француз қироллари ҳокимияти ва «флер де лис» ўртасидаги севги афсоналари геральдикада ҳам давом этиб, ушбу гул чиройлилиги билан сўнгги қирол хонадони вакиллари бўлмиш Бурбонлар сулоласи қулаганидан кейин ҳам сақланиб қолган. Нилуфар инқиlob ва республикадан кейин ҳам сақланиб қолади ва Франциядаги кўплаб ҳудудий ва шахсий гербларда у ёки бу шаклда сақланиб қолганлиги билан аҳамиятлидир.

XIII аср бошидан то XIV аср охиригача олтин нилуфарлар Франциянинг мовий рангли герби юзасини безаб турган. Англия ва Франция ўртасидаги Юз йиллик уруш даврида француз қалқонидаги нилуфарлар учта кичрайтирилган шаклда бўлганлигини кўриб (замонавий француз герби), инглиз қироллари ҳам ўз гербларидағи нилуфарлар сонини французларни кига тенглаштиришади.

Валуа ва Бурбонлар сулолаларига яқин бўлган уруғлар ҳар иккала тахминни ҳам қирол гербida акс эттиришган. Фақат баъзи соҳаларда, одатда, каймаларда ва ламбелларда гербларни жойлаштиришда ўз ифодасини топган. Бу гербларга майда геральдик шаклларни қўшиш орқали амалга оширилиб, ундан кўзланган мақсад катта ва кичик сулолалар фарқини ажратишдан иборат бўлган. Бугунги кунда қирол гербининг кўплаб ва-

риинлари турли дегартаментлар томонидан фойдаланиб келимокда.



Франция қироли ва дворянлари гербларининг турли вариантлари (XIX аср)

Француз аслзодалари қуйи табақа вакилларига шубҳа билан қарашиб, улардан доимо устунликка эга булишга ҳаракат қилишганилиги бугунги гербларидаги чиройли мўйна ва безакларда намоён бўлади. Буржуазия ва ҳатто деҳқонлар ҳам амалда герблардан фойдаланишган. Агар дастлабки пайтларда бу аслзодалар ва монархъялар томонидан танқид қилинган бўлса-да, кейинчалик у одатий тусга айланиб борган. Чунки бу қиролга каттагина даромад келтирган. Шунинг учун 1696 йилда қирол Людовик XIV маҳсус фармон чиқариб, унга биноан гербни яратиш ва ундан фойдаланганлик учун солиқ жорий этади. Барча гербдан фойдаланувчилар маҳсус дафтарда қайд этилишини «Армориал Женераль» («Умумий гербчи») каби ташкилотлар томонидан назорат қилиб боришган.

«АРМОРИАЛ ЖЕНЕРАЛЬ»

1696 йил ноябрь ойида қирол Людовик XIV умумий француз гербонасини ташкил этишни талаб қилиб, қиролликда фойдаланилаётган барча герб ва тимсолларнинг каталогини тузишни буюради. Ўз декларацияси, мартабалари ва унвонларини тақдим қила олмаганларнинг барчасига 300 лира миқдорида жарим солинган ва баъзилари мулкларидан маҳрум қилинган.

Ушбу фармондан мақсад давлат хазинасига маблағ йигиши бўлган. Узоқ давом этган ҳарбий ҳаракатлар мамлакат хазинасининг бўшаб қолишига сабаб бўлган. Геральдик йигимлар эса давлат хазинасини тўлдиришнинг йўлларидан бири бўлган. Даҳшатли жарималар билан бир қаторда, герб солиқлари ҳам жорий қилиниб, йигим шахснинг жамиятда тутган ўрнига қараб олинган. Шундай қилиб, архиепископ 100 лира, аббат 50 лира, ташриф буюувчилар 25 лира, хусусий шахслар 20 лира миқдорида хақ тўлашлари керак бўлган.

Дастлаб фармоннинг эълон қилиниши норозиликларга сабаб бўлган. Чунки декларациянинг кўп қисми аслзода ва келувчиликларга тўғри келган. Шунинг учун 1697 йилда иккинчи фармон эълон қилинган. Бунга кўра, геральдик судья ваколатлари кенгайиб, кимки гербдан фойдаланганилиги тўғрисида маълумот бермаса, улар жазоланганди. Гербчилар XVII асрда француз геральдик хизматида фойдали хужжатлар манбай бўлиб қолган. Натижада герб эгалари умуман ундан фойдаланмай қўйишган ёки бошқа герблардан фойдаланишга мажбур бўлишган.

1699 йилда гербларни рўйхатта олиш масаласи яна кутарилган ва энди даромадга қараб солиқ олиш жорий қилинган бўлса, 1709 йилдан бошлаб декларация ўз аҳамияти йўқотган.

НАПОЛЕОН БОНАПАРТНИНГ ГЕРАЛЬДИК ИСЛОҲОТИ

1790 йилда француз инқилоби дворянлар ва рицарлар ордени тушунчасини йўқ қилди, бироқ 1802 йилда ўзини умрбод консул деб эълон қилган Наполеон Бонапарт Фахрий Легион деб номланган янги рицарлар орденини жорий қиласди. Император бўлганидан сўнг бунга эътиборини янада кучайтирди. 1806 йилди Италияни босиб олишда иштирок этган содик генералларига рицарлик унвонини беради. 1808 йилда эса Францияда олтита шиги аслзодалар даражасини жорий қиласди: 1. Келажаги порлок шахзода (ушбу унвон, чет эл князларига ёки монархларига берилиган). 2. Буюк ишларга лойиқ шахзода (ушбу унвон, монарх ҳокимиятига эга бўлганларга). 3. Герцог. 4. Граф. 5. Барон. 6. Рицар (Фахрий Легион).

Ушбу олтита даражадан бошқаларга меросий бўлиб, уларнинг йиллик даромади 3000 франқдан кам бўлмаслиги лозим бўлган. Наполеон бошқарув тизими низорати шу тартибда бўлиб, бунда тикомиллашган янги империя аслзодалари учун янги геральдик тартиблар жорий этилиши тақозо қилинади. Наполеон аслзодалари олган қалқонларда уларнинг мавқешири кўрсатилган. Герб қалқони эгалари шахзода ва герцоглар ҳисобланишган. Графлар қалқонида мовий рангли тўлқинда тасвирланган бўлиб, ўнг томонда жойлашган, баронлар қалқонида эса қизил рангли тўлқин ифодаланган бўлиб, чап томонда жойлашган. Кўшимча тимсолларни жойлаштириш билан армигер шуғулланган. Катта ва кичик шаҳарларнинг герб лойиҳалари модел асосида бўлиб, уларнинг ҳажми ҳам кўрсатилган. Дворянлар тожи тимсоллари бекор қилинган ва эндиликда уларнинг бош кийимларига қараб мавқелари белгиланиб, улар



Наполеон Бонапарт герби

турли даражадаги «*тоque*»лар деб номланган. Ушбу типдаги геральдик бош кийимлар илгари мавжуд бўлмаган. «*Тоque*» бош кийимлари унчалик оммалашган бўлмаса-да, 1814 йилда Бурбонларнинг тахтга келиши билан унтилган. Реставрациядан сўнг Бурбонлар инқилобдан олдинги маросимларни яна жорий қилишган.

Бугунги кунда Франция давлат геральдик ташкилоти мавжуд эмас. Шаҳар ва бошқа муниципалларнинг герблари адлия вазирлиги томонидан назорат қилинади ва қайд этилади. Бошка мамлакатлардаги каби Францияда ҳам гербни ҳимоя қилувчи қонунлар мавжуд.



Наполеон давридаги аслзодаларнинг бош кийимлари (чапдан ўнгга: рицар, барон, граф, герцог ва юқори мавқедаги шаҳзода)

Наполеон даврида аслзодалар тожлари безатилган бош кийимлар билан алмаштирилган, ундаги деталлар уларнинг марта-басини билдирган.

ЎРТА АСРЛАР ВА ЯНГИ ДАВРЛАРДА РОССИЯ ДАВЛАТ ГЕРБИ

Россиянинг эмблемалари ва герблари назарий геральдика-нинг қоидаларига асосан анча олдин пайдо бўлган. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, Иван III нинг давлат мухри пайдо булиши билан, Иван IV нинг давлат мухрида 22 шаҳарнинг эмблемаси

акс этган бўлса, 1672 йилда подшо Алексей Михайлович томонидан 33 та (уларнинг 13 таси чет давлатларники) шаҳар эмблемаси яратилган. Титулярник («Катта давлат китоби ёки Россия давлатининг илдизи»)да XVII аср охиридаги баззи келгинди суполалар вакилларининг герблари ҳам акс этган.

Россияда герблар қачондан пайдо бўлди? Бу турли баҳсларга сабаб бўлган савол бўлиб, унинг жавоби, аввало, гербнинг шима эканлигини тушунишга боғлиқ. Бир гурух тадқиқотчилар гербни меросий эмблема билан боғлаб, унинг пайдо бўлишини сунъий хронологик давр билан XII асрда Россияда ва Ғарбда пайдо бўлди, деб ҳисоблашади. Бирор бу хато қараш. Бошқа бир гурух тадқиқотчиларнинг фикрича, герб бу рамзий тасвир бўлиб, ҳокимият томонидан тасдиқланган қатъий элементларни ташкил топган геральтика қоидаларига асосланган соҳадир. Гербнинг ушбу таърифи ишонарли бўлиб, бу гербнинг ҳокимият томонидан қатъий тасдиқланган меросий эмблема ва геральтика қоидалари асосида ташкил этилишини англатади.

Давлат герби бу давлат рамзи бўлиб, муҳр, танга, қофоз пул, кужжат, байрок, давлат ташкилотларида ўз ифодасини топади.

Россия герби эмблематикасида илонни ўлдираётган суворий (отлик) ва икки бошли бургут тасвириланган. Суворий тасвири XIII–XIV асрларда Москва князларининг муҳрлари ва тангаларида «ложинли овчи» номлари билан пайдо бўлади. Зимондошлари суворийни рус ерининг ҳимоячиси бўлган князь деб билишган. Ёзма манбаларда отлик аввалига нимба (қалпок) сиз тасвириланади. Жумладан, Новгород архидиакони Геннадий Искандария патриархи билан учрашганда (XVI асрда) патриархнинг «*Бу муҳрда ким тасвириланган?*» деган саволига: «*Подшо от устида*», – деб жавоб берган. Ушбу фикри тасдиқлаган подячи (элчи буйругини етказувчи) Г. К. Котошихин: «*Москва князлигининг буйругида – от устидаги подшо илонни сизмоқда*», – деб ёзган. Подшо Алексей Михайлович даврига оид манбаларда давлат гербидаги суворий тасвири душманни маглуб этган валиахд шаҳзода экани ёзилган.

Суворий эмблемаси ҳақидаги рисолада эса Пётр I нинг олдидаги халоскор Георгий ёки «авлиё Егори» деб ёзилади. Эҳтимол бу ғарбда авлиё Егорининг давлат ҳимоячиси ва жангчилар халоскори сифатида кўрилиши билан боғлиқдир. Илоннинг тасвири муҳрларда қадимдан мавжуд булиб, фақат Иван III давридан бошлаб ушбу композицияда суворий князнинг уни енгиши тасвири пайдо бўлди. Бу тасодифий эмасди. Айнан Иван III даврида Россиянинг мӯгуллар зулмидан озод бўлиши ва марказлашган давлатга айланиши илоннинг енгилиши билан ифодаланади: ташқи душманларнинг ёки князликларнинг ўзаро урушлари ва халоскор князнинг ёвузликни енгиши рамзий образда тасвирланади. Шунингдек, Иван III даврида давлат муҳрида икки бошли бургут тасвирлана бошлаган.

Икки бошли бургут тасвирининг Византия гербидан олинганигини таъкидлаб ўтган В. Н. Татищев буни 1472 йилда Иван III нинг Византия маликаси Зоя (София) Палеологга, яъни сўнгги императорнинг жиянига уйланиши билан боғлайди. В. Н. Татищевнинг ушбу қараши кейинчалик тарихдан мустаҳкам ўрин олди. Бироқ бугунги кунда ушбу қарааш таңқидга учраб, икки бошли бургут тасвири Россиянинг Муқаддас Рим империясидаги габсбурглар хонадони билан алоқалари туфайли пайдо бўлди деган қарааш илгари сурилмоқда. Тадқиқотлар натижасида Византия герби палеологлар даврида икки бошли бургут эмас, 4 та В ҳарфидан ташкил топган + (бут) дан иборат эди. Иван III икки бошли бургут тасвирини рус княzlари билан Ғарб мамлакатлари раҳбарларининг қариндошлиги ва тенглигини курсатиш учун олган.

Бургут қадимий эмблема бўлиб, Рим ва Эронда бургутнинг парвози ғалаба рамзини ифодалаган. Икки бошли бургут шумерларнинг мифологик қуши бўлиб, бу рамз Европада салиб юришларидан сўнг пайдо бўлган ва кўпгина рицарлар, шаҳар ва вилоятларнинг гербидан жой олган. XV аср бошларидан «немис миллатининг Муқаддас Рим империяси» давлат гербига айланади (аввал бир бошли бургут эди).

1497 йилда Иван III томонидан Волоцк князига берган ёрттиги муҳрида икки бошли бургут ва илонни ўлдираётган суворий тасвирланиб, «*Великий князь Ioанъ Б(о)жиею милостию господарь всея Russ*» (*Бутунруснинг шоҳи ва улуғ князи Иван*) деган ёзув бор эди. Бошқа томонида қанотини ёзib турган, бошини тоғи бор икки бошли бургут ифодаланган. Айлана ёзув уша тифсонани давом эттиради: «*I велики князь влад. и моск. нов. пек. шер. уго. вят. и пер. и бол.*» (*князъликлар номининг қисқартма шакли*). Айнан 1497 йилдаги муҳрга асосланиб, Н. М. Карамзин сўнгги давлат гербининг илдизини ушбу гербга боғлади ва бу 1897 йилда рус давлати гербининг 400 йиллигини нишонлашни ташкил этишга сабаб бўлди.

Давлат гербининг эмблемаси икки томонлама муҳрланиб, бир томонида икки бошли бургут, иккинчи томонида эса илонни ўлдираётган суворий тасвири ўрин олган. Қизиқарли жиҳати шундаки, суворий тасвири орқа томондан бургутнинг кўкрагиги тўғри келади. Бу эмблема Иван IV нинг катта давлат муҳрида тасвирланган. Кейинчалик бу давлат гербининг эмблематикаси сикланиб қолди. Ундаги ўзгаришлар иккинчи даражали деталларга алоқадор бўлиб, гербининг санасида, бургут қанотининг кўриниши, суворийнинг ҳолати ёки қалқон атрофидаги ҳамда бургутнинг бўйнидаги Андрей Первозванный ордени занжири сони билан боғлиқ. 1667 йилда биринчи марта давлат герби геральдика қоидаларига асосланган ҳолда тасвирланган: икки бошли бургут, «худо томонидан осойишта сақланган ва подшо марҳамат қилған Улуғ, Кичик ва Оқ Россиянинг шоҳи ва улуғ князи (унинг З та тоғи тасвирланган, Қозон, Астрахан ва Сибирь подшолиги) Алексей Михайловичнинг гербидир» деб силиб, ўнг томонда бургут З қатор ёзув билан шарқий, шимолий ва ғарбий томонларни; бургутнинг тагида отасининг ва бобосининг белгиси, чеккада вориснинг тасвири, скипетр ва олма хукмдорнинг марҳамати белгисидир.

1698–1699 йилларда давлатнинг катта муҳрида суворий икки бошли бургутнинг кўкрагида тасвирланган. Бургутнинг қанот-

лари ва атрофида подшолик мухри ва князликларнинг пойтахти тасвиранган.

1722 йилда рус геральдикасида мухим ўзгариш бўлди. Пётр I нинг фармони билан Сенатда Герольдмейстер идораси ташкил этилиб, унга гербларни геральдика назарияси қоидалари бўйича таснифлаш вазифаси юкланди. Биринчи герольдмейстер этиб Степан Андреевич Количев ва унга ёрдамчи этиб (гербни чизиш бўйича) италиялик граф Франциско Санти (у Францияда таълим олган) тайинланди. Энг аввало, Санти геральдика қоидаларига асосан давлат тимсолини Россия давлат гербига керакли ранг, металл ва бошқаларни киритди.

Пётр I даврида бургутнинг қанотида б та герб қалкони буюк князликларнинг пойтахти ва подшолик тасвиранди. Екатерина II даврида б та қалкон провинция эмблемалари билан берилди. Николай I даврида эса бургутнинг ўнг чангалида яшин (момақалдирок) ўқи ва машъал, чап чангалида эса лавр гулчамбари пайдо бўлди. 1856 йил Александр II даврида гербга халоскор авлиё Георгий тасвири киритилди.

Катта давлат герби ҳар хил белгиларга тўла бўлиб, қалконнинг ўртасидан бошига тож кийган икки бошли бургут ўрин олган. Бургутнинг чангалида скипетр ва ҳокимият рамзи, унинг кўкрагида эса халоскор авлиё Георгийнинг тасвири акс этган. Қалқонда буюк князь Александр Невскийнинг дубулгаси устига тож кийдирилган ҳолда «Худо биз билан» деган шиор ёзилиб, оқ сувсар мўйнаси тасвиранган. Қалқоннинг атрофида апостол Первозванный орденининг занжирни акс этган. Қалқон тутувчилар табаррук архистратиг Михаил ва архангек Гаврииллар бўлишган.

Қалқоннинг атрофида Қозон (аждар), Астрахан (тож ва шарқона қилич), Полша (тож кийдирилган бургут), Сибирь (орқа оёқларида турган 2 та кундуз), Таврия-Херсонеси (икки бошли бургут), Грузия (халоскор авлиё Георгий), Иберия, Карталиния, Кабардин, Арманистон, Черкас ва тоғли князликлари герблари тасвиранган. Бундан ташқари, қалқондан княз-

шклар: Киев (табаррук архистратик Михаил), Владимир (арс-
онсимон леопард), Новгород (креслони ушлаб турган айиқ),
Финляндия буюк князлиги (тож кийдирилган шер қилич билан)
шын герблари ҳам үрин олган.

Асосий қалқоннинг пастида Романовларнинг герби жойлашти.
Унинг устки қисмида князликлар ва вилоятлар герблари
жойлашган: Псков (барс), Смоленск (жаннат куши билан замба-
риқ), Тверь (устига тож қўйилган таҳт), Югор (булутдан чиқиб
турган иккита қўл), Нижегород (буғу), Рязань (князь), Ростов
(олтин бўйинбогли кумуш буғу), Ярославль (секира ушлаган
айиқ), Белозоре (иккита балиқ), Угор (урғочи тулки).

Жануби-ғарбий князликлар қалқонларидаги қўшма герблар:
Нолинск (бут), Подольск (қуёш), Чернигов (бут ушлаган бур-
гут).

Белоруссия ва Литва вилоятлари князликларининг қўшма
герблари: Литва буюк князлиги (қўлида қилич билан кумуш
отга мингтан суворий), Белосток (бургут ва суворий), Самогит
(айиқ), Полоцк (қўлида қилич билан қора отга мингтан суворий),
Вітебск (қўлида қилич кўтарган кумуш суворий ва айланда тар-
чи), Мстслав (бўри).

Болтиқбўйи вилоятларининг қалқонидаги қўшма герблар:
Эстландия (3 та леопардсимон арслон), Лифляндия (гриф қи-
лич билан), Курляндия (тож кийган арслон), Семегалия (герцог
тожини кийган кумуш буғу), Карелия (лат кийган иккита қўл
қилич кўтарган ҳолда).

Шимоли-шарқий мамлакат ва вилоятлар қалқонидаги қўш-
ма герблар: Пермь (елкасида Иңжил кутариб кетаётган айиқ),
Вят (камон ва пайкон ушлаган қўл), Болгар (байроқдаги қўзи-
чоқ тасвири), Кондий (елкасида чўқмор кутарган ёввойи одам),
Туркистон (афсонавий бир шохли от).

Үртacha давлат гербида байроқ акс этмасдан, 6 та герб тасви-
ри мавжуд(қалқондаги 5 та герб Туркистон гербига бирлашти-
рилган ҳолатда).

Кичик давлат гербидаги икки бошли бургут күкрагида халоқкор авлиё Георгий билан тасвирланган. Бургутнинг қанотлари га Қозон, Астрахан, Польша, Сибирь, Таврия-Херсонес, Грузия, Киев, Владимир, Новгороднинг бирлашган герблари ҳамда Финляндия буюк князлигининг герби тасвирланган.

1917 йил февраль тўнташидан сўнг Мувакқат ҳукумат икки бошли бургутни Романовларнинг герби эмас деб ҳисоблааб, уни давлат эмблемаси сифатида сақлаб қолди. Бироқ бургутнинг қанотлари туширилган ҳолда, тожсиз, суворийсиз, скіпетрсиз, ҳокимият рамзисиз тасвирланди. Бургутнинг тагида Давлат думаси мажлислари ўтказиладиган Таврия саройи тасвирланган.



**Император Александр
III нинг герби**



**Георгий Победоносец
тасвирланган империя
ҳалокатидан кейинги
дастлабки йиллардаги герб**

XX АСРДА РОССИЯ ДАВЛАТ ГЕРБЛАРИ

1918 йилда Россиянинг янги давлат герби ишлаб чиқилди. Давлат герби лойиҳасида унга қалқон шаклидаги буғдор бошоқлари, уроқ, болға ва қилич қўйишни таклиф қилишган бўлишса, муҳокамалардан сўнг гербга қилич тасвирини қўймасликка қарор қилинди. Лойиҳа 1918 йил 19 июнда тасдиқланиб,

шу йилнинг июл ойида қабул қилинди. Собиқ Иттифоқнинг биринчи герби 1923 йил 6 июлда В. П. Корзухиннинг лойихаси ясосида, рассом И. И. Дубасов томонидан яратилди ва тасвирланди. Гербда тоталитар тузумнинг мафкурасини ифода чиўчи ўроқ ва болға тасвири ҳамда «Бутун дунё пролетарларни бирлашингиз» деган ёзувли тасма кўйилган эди. Ушбу герб тасвирига собиқ Иттифоқ таркибидаги республикалар сонишнинг ўзгариши билан боғлиқ равишда кейинчалик ўзгартишлар киритиб борилди. «Иттифоқдош» республикалар гербига ҳам ўроқ ва болға «қабул қилдирилиб», республика иқтисодини акс тиравчичи тасвирлар пайдо бўлди. Республикаларнинг герби, ални вақтда, мухтор республикаларнинг ҳам герби ҳисобланиб, унгни миллий тилларда ёзилган сўзлардан фарқлаш мумкин эди.

«Қизил империя» парчалангач, унинг рамзларидан бири ҳисобланган мазкур герб ҳам ўз аҳамиятини йўқотиб, мустақил республикалар учун ўзларининг янги миллий гербларини яратишга киришди. Жумладан, 1993 йилда президент фармони билан Россия Федерациясининг герби қабул қилинди. У кўп ҳонгиларда инқилобдан аввалги империя гербини такрорлар эди. Россия Федерациясининг «Федерал конституцион қонуни»да Давлат Думаси томонидан 2000 йилда қабул қилинган бўлиб, ушбу ҳуқуқий хужжат РФнинг давлат гербини ҳамда ундан фойдаланишни тасдиклadi. 2000 йил 20 декабрда Федерация Конгани томонидан «Федерация герби тўғрисида»ги Қонун тасдиқланди ва шу йилнинг 25 декабряда РФ Президенти В. Путин томонидан имзоланди.

РФ нинг Давлат герби тўғрисидаги қонуннинг 1 моддасида «Бизнинг мамлакатимиз давлат герби қўйидагича: РФнинг герби тўрт бурчак, пастки бурчаклари эгилган ва қиррадор, қизил геральдик қалқон, олтин билан ишланган икки бошли бургут пастга туширилган қанотларини (1917 йил тўнташидан сўнг туширилган эди) юқорига кўтарган ҳолатда, бургутнинг бошида иккита кичик тож ва унинг устида битта катта тож бўлиб,

улар лента билан бирлаштирилган. Бургутнинг ўнг чангалида асо ва чап чангалида ҳокимият рамзи тасвирланган. Бургутнинг кўкрагида қизил қалқонда кўк плашли, кумуш от устидаги кумуш суворий кумуш найза билан ағдарилган қоп-қора аждарни ўлдирмоқда». Конунда кўрсатилишича: икки бошли бургутни қалқонсиз ва бир хил рангда тасвирлаш ҳам мумкин. Гербни яратиш устида ишлаган соҳа мутахассисларининг фикрича икки бошли бургут ҳар қандай ҳолатда ҳам Россия давлатининг асосий тимсоли (эмблемаси) булиб қолаверади.

РОССИЯ ШАҲАР ВА ГУБЕРНЯ ГЕРБЛАРИ

Шаҳар геральдикасини тадқиқ этишга А. Б. Лакиер, П. П. Винклер, қисман Ю. В. Арсеньев, В. К. Лукомский ҳамда А. А. Ураносова, Н. Н. Сперансова, В. С. Дравчук ва бошқаларнинг илмий ишлари бағишиланган. Шу ўринда инқилобдан аввалги ва кейинги гербларни ҳар томонлама ўрганиб чиқкан Н. А. Соболеванинг хизматларини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Н. А. Соболева шаҳар гербларининг пайдо бўлишини шаҳарларнинг хуқуқий ривожланиши билан боғлайди ҳамда Россия шаҳар гербларини Европа геральдикасига солиштириб, қиёсий ўрганади. Унинг фикрича, Фарбий Европада феодал жамият шароитида мустақилликни кўлга киритган шаҳарларнинг ривожланишида герблар норматив белги вазифасини ўтаган. Бир қанча тарихий сабабларга кўра, Россияда шаҳар герблари Европага нисбатан бир неча аср кейин пайдо бўлди. Лекин Фарбий Европада шаҳарларни герб билан таъминлаш, шаҳарларнинг ўсиш ва ривожланиш белгилари, шаҳар ҳаётининг эволюцияси, шаҳарга нисбатан давлат сиёсатининг муносабати ва шаҳар бошқарувига боғлиқ.

Россияда шаҳар гербларининг назарий геральдика қоидаларига асосан ташкиллаштирилиши Пётр I ва Екатерина

II ислоҳотлари билан боғлиқ. Россиянинг айрим шаҳарлари гербларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши худудий эмблемаларнинг узоқ ўтмишига, яъни тотемизмга бориб тақалади. Мисалан, Ярославль гербида айик протазан билан ифодаланган. Ушбу тасвир IX–X асрларда Юқори Поволжъедаги айик тотемига сифиниш билан боғлиқ. Эҳтимол, бу тасвир Ярослав Мудрийнинг қилич билан айикни ўлдирғанлиги тўғрисидаги афсона билан боғлиқдир.

Смоленск гербида замбарак устига қўнгандан жаннат куши тасвирланган. Ушбу тасвир 1664 йилда Смоленск жангни князь Ф. И. Куракиннинг муҳрида ифодаланган булиб, жаннат куши Ҳумоюн деб ёзилган. Владимир гербида арслон орқа оёқлари туриб, олдинги оёқларида узун тўрт қиррали бутни кўтариб турган ҳолда тасвирланган. Тадқиқотчилар арслонни князь Андрей Юрьевичнинг XII асрдаги эмблемаси деб ҳисоблашади. Владимир-Суздаљ шаҳарлари гербида ҳам арслон тасвири асосий ўринни эгаллайди. Киев эмблемасида Архангел Михаил қилич ва қалқонни кўтариб турган ҳолда тасвирланган. Қизиқарли томони 1782 йил тасдиқланган шаҳар гербида Архангел Михаил кумуш кийимда ҳаворанг далада тасвирланарди.

Москва эмблемаси икки бошли бургут бошида учта тож билан, кўкрагида «Московский» деган ёзуви билан тасвирланган. Москванинг гербидаги илонни енгаётган суворий тасвири буюк князнинг меросий эмблемаси ҳисобланган. Иван IV нинг гербида биз 24 та халқаро аҳамиятга эга бўлган худудий эмблемаларга биринчи марта дуч келамиз. 1672 йилда подшо Алексей Михайлович даврида яратилган Катта давлат китоби «Титульярник»да 33 та шаҳар эмблемалари тасвирланган. Ушбу эмблемалар чиройли миниатюралар билан, гербовой ситилизациясиз, шаҳарларнинг жойлашиши ва рангли герблар билан тасвирланган. Ҳар бир эмблема овал шаклида ёзилган ва винеткалар билан безатилган ҳолда XVII аср Москваси барокко усулида ишланган. XVII асрнинг 70-йилларида Россияда 250 та шаҳар

да эълон қилинди. 1880 йилда «Россия империясининг обласи ҳамда губернялари герби» тўплами нашр этилди. 1900 йилдиги П. фон Винклер томонидан «Шаҳар, губерня, посад ва обласи лар герблари тұғрисида Россия империясининг 1649–1900 йилдардаги умумий қонунлар мажмуаси» ҳақидаги альбом нашр этилди.

Шаҳар геральдикасига қайта қизиқиши 1960 йиллардан бошланган бўлиб, бунга жамоат онгидаги ўзгаришлар, гуманистик билимларга ва ўтмиш обидаларига коллекционерларча қизиқишининг пайдо бўлиши ҳамда шаҳар рамзларини қайта кўриб чиқиши зарурати сабаб бўлди. Натижада шаҳар геральдикасиги янги шаҳарларга герблар яратиш ва уларнинг эмблематикасиги ўзгартиришлар киритиш ишлари аста-секин йўлга қўйила бошлиди. 1987 йилда собиқ Иттифоқ Фанлар академияси Тарих бўлимида ташкил этилган Кординацион комиссияга (кейинчалик Геральдик комиссия) шаҳар гербларини яратиш ва ташвикот қилиш, шаҳар герблари тұғрисида материаллар тўплаш вазифаси юклатилди. Геральдик комиссиянинг фаолияти натижасида 1998 йилда Н. А. Соболев таҳрири остида «Россия шаҳарларининг герби» деб номланган альбом-маълумотнома тайёрланди.

Афсуски, сўнгти ўн йилларда шаҳар гербларида энг муҳим геральдик қоидалар бузилмокда: метал устига метал, финифти устига финифти қўйилмайди. Ҳозирги замонавий гербларда кумуш (ок), олтин (сариқ), яшил, лазур ва бопқа рангларни кўриш мумкин. Шунингдек, саноат шаҳарларининг рамзлари бир-бирига жуда ўхшаш. Замонавий шаҳар гербларида энг асосий техник эмблемаларнинг тасвирини кузатиш мумкин: тишли ғилдирак (шестерна) ёки унинг бир қисми, заводларнинг расми (узокдан), нефт миноралари (аланга билан ёки алангасиз), домна печларнинг кўриниши, автомобиллар, электр лампалар, атом белгилари ва бошқалар.

РУС ДВОРЯН ГЕРБЛАРИ

Сулолалар герби – дворянлар шажараси ва уларнинг келиб чиқиши тарихи, хизматлари, имтиёзлари ҳамда жамиятда тутган ўринини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. У алоҳида шахс ёки сулоланинг ҳарбий ёки фуқаролик фаолияти соҳаси ҳақида маълумот беради.

Россияда шахсий гербларни яратиш борасидаги илк қадам – XVII асрнинг сўнгти ўн йилликларига бориб тақалади. Бу дигоргача рус жамиятида шахсий ва оиласавий гербларнинг мавжуд бўлмаганлиги тўғрисидаги маълумотлар 1664 йилда Г. К. Китошихиннинг «Алексей Михайловичнинг подшолиги даврида Россия тўғрисида» асарида учрайди. 1686–1687 йилларда Ўлчилик маҳкамасида илк маротаба дворян сулолалари герблари тўплами тузилиб, у «Бахмал китоби» деб номланиб, 100 йилдан сўнг машхур маърифатпарвар Н. И. Новиков томонидан нашр этилади. XVII асрдаги дастлабки сулолавий герблар қандай кўринишда бўлганлигини биз аниқ айта олмаймиз, бироқ уибу гербларни яратилишига поляк геральдикаси (поляклар босқини) маълум даражада таъсир кўрсатган булиши мумкин.

Пётр I ҳукмронлиги даврида амалиётда янги мартабалар (баронлик, графлик) жорий қилингач, шахсий герблар ҳам қўлланила бошланди. XVIII асрнинг дастлабки йилларида Пётр I томонидан Я. В. Брюс, Ф. А. Головин, П. М. Апраксин, П. А. Толстой, А. Д. Меншиков ва бошқаларга фахрий мартабалар ва дипломлар ҳамда Муқаддас Рим империяси намунасида тайёрланган герблар ҳам берилган. Дастлаб шундай дипломларни тайёрлаш билан Ташқи ишлар коллегияси шуғулланган. Пётр I ҳукмронлиги даврида дворянлар гербларини яратилиши тўғрисидаги маълумотлар кам булиб, бу ҳақида В. К. Лукомский гербларни яратишда подшонинг 6 та сафдошлари исмини қайд этади, холос: графлар Головкин, Апраксин, Брюс ва бошқалардир.

1722 йилда Герольдмейстер идораси ташкил этилиши муносабати билан сулолавий гербларни яратиш ишлари билан ушбу маҳкама шуғулдана бошлайди. «Мартабалар тұгрисида»ги 1722 йилдаги фармонга күра VIII даражагача хизмат қылган фуқаролик амалдорларининг барчаси, шунингдек, XIV даражадаги ҳарбий хизматчилар ҳам меросий дворянлик ва сулолавий гербга эга бўлиш хуқуқини қўлга киритишган.

XVIII асрнинг 40-йилларидан бошлаб хусусий гербларни яратиш жонланади. Герольдмейстер бошлиғи этиб В. Е. Адодуров тайинланади. Унинг ўзи дворянлар гербларини яратиш бўйича кўпгина изланишларни амалга оширади ва энг аввало, Преображенский полки гренадёрлар ротасининг дворянлар гербини яратади. Ушбу рота 1741 йилда Елизавета Петровнанинг таҳтга келишига ёрдам беради ва малика бунга жавобан мукофот сифатида уларга Лейб-компания номини беради ҳамда Лейб-компания иштирокчилари герблар билан тақдирланади. «Бош» (умумий) герб тузилиб, герб қалқонининг ўнг томонига жойлаштирилиб, унинг қора майдонига олтин страпила, 3 та ёрилган анор тасвири акс эттирилган. Страпила устида 2 та беш қиррали кумуш юлдуз, остида эса 1 та беш қиррали кумуш юлдуз тасвирланган. Дворян дубулғаси устида гранадёрлар Лейб-компаниясининг бош кийимида 2 та қизил ва 2 та оқ туюқуш патлари тасвирланган. Бош кийим атрофларида 2 та қора бургутнинг қанотлари тасвирланган. Унда: «Садоқат ва рашик учун» деган ёзув мавжуд. Чап томонда 347 та Лейб-компания герблари бўлиб, у иштирокчиларнинг тимсоли ҳисобланган.

Екатерина II ва Павел I хукмронлиги даврида хусусий гербларнинг яратилиши жонланганлигини кузатиш мумкин. Ушбу фаолиятнинг якунида, яъни Павел I даврида «Бутунrossия империяси дворян сулолаларининг умумий герби» деб номланган китоб нашр этилади. Павел I ушбу асарнинг нашр этилиши ва Россия геральдикасига катта эътибор қаратиб, уни тартибга солиш ҳамда мустаҳкамлаш ишларини ўз назоратига

олади. «Умумий гербовник»ни яратиш императорнинг фармонига биноан 1797 йилнинг 20 январидан бошланади ва уни назорат қилиш вазифаси дастлаб бош прокурор А. Б. Курукин зиммасига юклатилган бўлса, 1800 йилдан бошлаб III департамент обер-прокурори, сенат аъзоси О. П. Козодавлев зиммасига юклатилади. Унга «герб судьяси» Матвей Вагонов умумий гербовникнинг дастлабки 10 томлигини тузишида ёрдам беради. Умумий гербовникнинг 5 та томи Павел I даврида, 4 та томи эса Александр I даврида ва 1 таси 1836 йилда Николай I даврида нашр қилинади. Унинг қолган 11 та томи нашр этилмаган ва ҳозирги пайтда Санкт-Петербург МДА (ЦГИА)да сакланмоқда.

Умумий гербовникнинг барча томларини тайёрлаш принципи бир хил бўлиб, герблар эгаларининг келиб чиқишига кўра 3 та гурухга бўлинган.

Биринчи гурухда – барча князъ ва дворян сулолаларининг герблари, яъни Рюрикдан Гедимингача бўлган герблар киради. Уларнинг гербларида сулолаларнинг тимсоллари тасвиранганди.

Иккинчи гурух – келгинди сулолаларнинг гербларига тааллуқли бўлиб, уларнинг тимсолларида рус ва украин фамилиялари ҳам учрайди. Шунингдек, ушбу гурухга Россия фуқаролигини қабул қилган чет эл дворянлари герблари, чет давлатлар монархларининг фахрий ёрликларини қабул қилган рус дворянлари герблари ҳам киритилган.

Учинчи гурухга маълум бир хизматлари эвазига дворянлик мартабасини олган шахсларнинг герблари кирган.

Дворянлар геральдикаси элементларининг асосий тасвири жангчилар, қурол турлари, юлдузлар, ярим ойлар, хочлар, тожлар, афсонавий-мифологик персонажлар, ҳайвонлар ва ўсимликлар бўлиб, рус дворянлари герби тимсолига характерли хусусият – икки бошли бургут ва унинг қанотлари тасвири бўлган. 1917 йилга келиб бу тасвиrlар камайиб боради. Эндиликда мифологик ва фантастик персонажлар йўқолиб, уларнинг ўринини реал ҳаётий тимсоллар эгаллай бошлайди. Октябрь тўнгаришидан сўнг дворянлар геральдикаси унутилишга маҳкум

этилади. Кейинги даврларда унга қизиқиши яна пайдо була бошлади. Ҳозирги кунда Россия Федерацииси Президенти хузурда Давлат Герольди ташкил этилган бўлиб, ушбу соҳа мутахассислари янгитдан дворянлар гербларини ўрганиш борасида изланишлар олиб бормокда.

ТУРОН ХАЛҚЛАРИ ТАРИХИДА РАМЗИЙ БЕЛГИЛАР

Археологик қазишмалар натижалари Марказий Осиёда ҳам қадимда муҳрлар, тангалар ва буюмларга шаҳар, давлат, уруғ ёки ҳунармандчилик уюшмаларининг рамзларини тупшириш кенг тарқалганини кўрсатади. Улар аждодларимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётини, турмуш маданияти ва санъатини ўрганишга, давлатлар ва сулолалар тарихини ойдинлаштиришга хизмат қилувчи манбалардан биридир.

Энг қадимги тарихий манбалардан бири Авестода тилга олинган мамлакатлардан бири бўлган Хоразм ҳукмдорлари ўз тангаларини зарб қилишни йулга қўйганлар. Археологик изланишлар натижасида топилган тангаларнинг бир томонида шоҳ тасвири, иккинчи томонида эса суворий жангчининг тасвири туширилган. Бу давлатнинг рамзий белгилари зардуштийлик билан боғлиқ бўлиб, ушбу динда баҳт ва толе рамзи сифатида Ҳумо қуши эъзозланади. У бугунги кунда ҳам мустақил Ўзбекистон давлатининг рамзий белгиси бўлган гербнинг марказий қисмини бирлаштириб турган геральдик шакл сифатида танлаб олинган.

Қадимги давлат бирлашмаларидан яна бири Бақтрия ҳақида тўхтадиган бўлсақ, бу давлат манбаларда «байроғи баланд ҳилпираб турадиган» деган таъриф билан тилга олинган. «Байроғи баланд» деган сўзга эътиборни қаратадиган бўлсақ, бу даврда давлатчилик рамзи бўлган байроқнинг тилга олиниши ўзбек давлатчилигининг тарихи қадим давларга бориб

тиқалишини англатади. Байроқлардан ташқари ўрта асрларда туркий халқлар орасида тут, яловлар ҳам бўлган.

Марказий Осиё халқлари тарихида баъзи қабилаларнинг босиб ўтган йўлини ўрганиш ва уларни компонент сифатида у ёки бу халқнинг шаклланишида қатнашганлиги ва ролини аниқлашда тамға белгилари муҳим тарихий аҳамиятга эга. Тамға – туркий ва бошқа халқларда уруғ белгиси ҳисобланиб, ўз хусусиятига кўра муҳим тарихий манбалар қаторига киради. Уруғ ёки қабилавий мансублик белгиси бўлган тамғалар ва тамғасифат белгиларни ўрганиш соҳасида анчагина ишлар қилинганига қарамасдан, бу мавзуга оид куплаб муаммолар ҳануз ўз ечимини топмаган.

Тамғаларнинг дастлабки кўриниши, этнографик маълумотларга кўра, содда геометрик шакллардан (доира, квадрат, учбуручак, бурчак ва ҳ.к.), пиктограммалар, ҳайвон ва қушлар тасвирларидан иборат бўлган. Кўпчилик тамғаларга тотемистик ҳайвонлар тасвири туширилган. Одатда, маълум уруғ авлоди ўз аждодларидан тамғани мерос қилиб олган ва унга қўшима белги қўшган ёки уни ўзгартирган. Тамғалар уруғнинг умумий мулки бўлган уй ҳайвонлари ёки уруг вакиллари ишлаб чиқарган буюмларга босилган. Кейинчалик тамғалар герб ва муҳрлар сингари оиласиб ва шахсий (хусусий) мулк белгисига айланди.

XIII–XIV асрнинг машхур тарихчиси Рашидуддин Фазлуллоҳ «Тарихлар тўплами» номли китобида шаҳодат беришича, Ўғузхон ўз мулкини ўғилларига улус сифатида бўлиб берган, ушбу давлат ҳукмдорлари ҳам ўзларининг хонлик тамғаларига эга эдилар. Демак, Ўғузхон даврида туркча «тамға» сўзи мерос қолувчи мулк маъносини билдирган.

Маълумки, қадимда ва ўрта асрларда кўчманчи ҳамда яrim кўчманчи халқлар от, тuya ва чорва молларига маълум бир белги-тамға босганлар. Ҳар бир қабилаларнинг маҳсус тамғаси бўлиб, улар шу тамғага қараб ўз чорва молларини таниб олганлар. Жумладан, ўзбекларнинг юз ва бошқа уруғлари таркибида сўлоқли (чорва молларининг қулогига солинган эн, яъни бел-

ги деган маънода), ўроқли, болғали, вахтамғали, жилонтамғали, ойтамғали каби шаҳобчалар мавжуд бўлиб, уларнинг уру тамғасида ўрок, болға ёки бошқа тасвирлар акс этган.

Узбек ҳалқининг сиёсий ва этник тарихида муҳим роль ўйнаган қангларнинг тамгалари ҳакида таникли олим К. Шониёзовнинг ёзишича, уларда икки хил тамға бўлиб, биринчиси, туғри чизикдан (/) иборат бўлган ва «қовурға», «косон» ёки «алиф» деб аталган. Бу хилдаги тамға ўзбек ҳамда қорақалпок ҳалқи таркибидаги қипчоқларда ва Оренбург губернясида яшовчи қипчоқларда ҳам бўлган. Қангларнинг иккинчи тамғаси «қўш алиф», «икки қовурға» ёки «қўш тамға» (//) деб номланган. Ана шу хилдаги тамға бошқирд қангларининг ҳам тамғаси хисобланган. Қорақалпокларнинг қўнғирот ва ўбек қангли урутларидан бирининг номи қўштамғали деб аталган. Бу этномимлар ўз номларини тамға белгисидан (қўш қовурғалардан) олганлар.

Илк ўрта асрларда қанглilar бижанаклар билан битти қабила иттифокида бўлган. Махмуд Кошгариининг берған маълумотига кўра, бижанақларнинг ўша даврлардаги тамғаси 9/1 шаклида, Рашидудиннинг маълумотига кўра, 1/1 шаклида бўлган. Қозоқларнинг Кичик жуз таркибидаги адай, кете ва тўрткора қабилаларининг ва Ўрта жуз таркибидаги керей, сергели қабилаларининг тамға белгиси + бўлган. Худди шунга ўхшаш тамға Шимолий Қирғизистонда жойлашган жағалмай гурухларида ҳам қайд этилган [К. Шониёзов. Қанг давлати ва қанглilar. – Т.: Фан. 1990. – 135-бет.].

Биз ўрганган манба ва адабиётларда ilk давлатчиликнинг рамзлари ҳақидаги маълумотлар кам учрайди. Шундай бўлса-да, умумий билимларга асосланиб, геральдик белгилар диний қарашлар орқали ифодаланган деган фикрни айтиш мумкин. Тотемистик ва фетишистик қарашлар, шунингдек, бошқа диний эътиқодлар кишилар ҳаётида айрим нарса ва буюмларни муҳим ўринга олиб чиқарди. Бундай муҳим белгилар эса кейинчалик геральдик белгиларни келтириб чиқарган.

Тотемизм қадимги туркий халқлар хаётида ҳам муҳим аҳамият касб этган. Тотемизмда баъзи ўсимлик (дараҳт) ва ҳайвонлар одамларнинг қуриқловчиси ва тангрилари ҳисобланган. Илмий адабиётлар туркий халқларнинг ўтмишда бўри, айик, бургут, илон, дараҳт ва бошқа тотемларга эътиқод қылғанликларидан гувоҳ беради. Вакт ўтиши билан тотемизм такомиллашиб борган, натижада қатор ҳайвонлардан бирининг панжаси, иккичисининг тумшуғи, думи ва оёклари каби аъзоларидан бири олиниб, шакл берилган ва шу тариқа тимсол бунёд этилиб, улар муқаддас ва яратувчи сифатида эъзозланган.

Шу тариқа туркий халқларнинг этник хусусиятлари, маънавий ҳаёти, ижтимоий муносабатлари турли рамзий белгиларда ўз аксини топган. Туркий халқларнинг рамзий белгилари Хитой, Рим, Византия, Тибет, араб, ҳинд, форс, туркий ёзма манбаларда ёритилган, шунингдек, бу рамзий белгилар халқ оғзаки ижодида, удумларида, этнографик хусусиятларида ўз аксини топган.

Ўтмишда жуда кўп уруғ-қабилалар бўрини ўз тотеми – илк пижоди деб ҳисоблаган. Жумладан, туркий қавмларда бўри билан боғлиқ илохий тушунчалар кенг тарқалган ва у муқаддас ҳайвон саналган. Шу сабабдан туркий халқлар бўрига эҳтиром юзасидан ўз яловларини олтин бошли бўри тасвири билан безаганлар. Бундан ташқари, олтиндан ясалган бўри калласи тамгаси улар байроғида ҳам ўз аксини топган. Байроқлардаги тасвир туркийлар ўзларининг илк аждодини ўзга олам – осмон билан боғланганликлари рамзиdir.

Буюк Турк хоқонлиги давлати ўзининг рамзий ифодасини икс эттириш учун маълум рамзий белгилар қабул қилган. Бу белгилар қадимги Турк давлатининг байроғида ўз ифодасини топган. Ушбу яшил байрок ўртасида бўри боши тасвири туширилган, байроқ эни бўйига нисбатан узунроқ бўлган.

Кушонлар (милодий I–IV асрлар) давлатининг байроғи оқ рангдаги бўйига узун, энига қисқа шаклда бўлиб, унинг олд томонида беш қиррали оч сариқ тусдаги юлдуз тасвирланган. Эфтальлар давлати (V–VI асрлар) баъзан Оқ хунлар давлати деб

ҳам юритилади. Эфталитларнинг байроғи ҳам оқ рангда булиб, унда ҳам беш қиррали оч сариқ юлдуз тасвири туширилган.




Кўк турк ҳоқонлиги (552–743)



Оқ хун ҳоқонлиги (420–562)



**Қорахонийлар салтанати
(940–1040)**



Олтин Орда давлати



**Ғазнавийлар салтанати
(963–1183)**



**Салжуқийлар салтанати
(1040–1157)**

Ислом динини қабул қиласкан туркий халқларнинг давлат байроқларида айрим ўзгаришлар юз берган. Араблар ўлкани тўлиқ босиб олганидан кейин рамзий белгилар ўрнини араб имлосида битилилган Куръони каримдан келтирилган оят ва суралар битилилган эди. Масалан, Қорахонийлар давлатининг байроғи қизғиш-қўнғир рангли бўлган ва унда түғ шаклидаги ўқ тасвиrlаниб, куйидан юқорига қараб лотинча «M» ҳарфи каби учта шакл

кетма-кет акс этган, энг куйидаги биринчи шакл йирик бўлиб, юқорига қараб кичрайиб борган.

Ботухон томонидан ташкил этилган Олтин Ўрда давлатининг байроғига оқ ранг танланган, байроқ ўртасида ярим ой остида лотинча «М» шаклига ўхшаш шакл тасвиrlenган.

Ғазнавийлар давлатининг байроғи тўқ яшил рангда бўлиб, унинг юқори қисмида оч кулранг ярим ой белгиси тасвиrlenган, шунингдек, ярим ой остига товус тасвири берилган, байроқнинг бўйи узунроқ, эни қисқароқ шаклда бўлган.

Туркий қавмларнинг яна бир йирик давлати – Салжуқийлар давлатининг байроғи тўқ яшил рангли бўлган, байроқ ўртасига қанотини икки томонга ёйган икки бошли бургут тасвири туширилган. Бургут олдида ўқланган ёй тасвири ҳам берилган.

Ислом дини қабул қилинганидан сўнг ташкил топган туркий давлатлар ўзларининг миллый давлат байроқларидан ташқари, Пайғамбар Мұхаммад саллоллоҳу алайхи васалламнинг ярим ой ва юлдуз тамғали яшил тугини ҳам кўтарғанлар.

Ватанимиз тарихида Амир Темур ва темурийлар даври алоҳида ўрин тутади. Амир Темурнинг буюк салтанат гояси, табиийки, Соҳибқирон давлатининг рамз ва тимсолларида ўз ифодасини топган. Амир Темур давлатининг бош девонида хизмат қилган ва унинг сафарларида доим қатнашиб юрган тарихчи Шарафиддин Али Яздий ва испан элчisi Руи Гонсалес де Клавихонинг гувоҳлик беришича, Соҳибқироннинг давлат белгилари қуёш, мовий осмон ва ҳайвонлар сардори – шердан иборат бўлган. Амир Темур давлатининг байроғи мовий рангда эди. Бинобарин, мовий ранг – тириклик мазмуни акс этган мангуба осмон ва обиҳаёт рамзи дир. Тимсоллар тилида бу яхшиликни, донишмандликни, ҳалолликни, шон-шуҳрат ва садоқатни билдиради.

Кешдаги Оқсаройнинг пештоқига гардиш ва қуёш акси тасвиrlenган эди. Амир Темурнинг давлат рамзига уч халқа тас-



Амир Темурнинг
давлат байроғи

вири туширилган. Бу халқалар Амир Темурнинг уч иклимди хукмрон эканлигига ишорадир.

Умуман, Амир Темур салтанатида байроқлар, түглар, тимсолларга катта аҳамият берилган. «Темур тузуклари»даги манибу мисоллар шундан далолат беради: «Амир бирон мамлакатни фатҳ этса, ёки ғаним лашкарини енгса, уни уч нарса билан мумтоз қылсиналар: биринчisi – фахрли китоб, түг ва ногори бериб уни баҳодир деб атасинлар; иккинчisi – уни давлат ва салтанат шериги билиб, кенгаш мажлисига киритсиналар; учинчisi – унга чегара вилояти топширилсин ва ўша ерлик амирлар унга бўйсиналар».

Темурийларнинг буюк вакили Бобур авлодлари давлатининг байроғи бўйи узун, эни қисқароқ бўлиб, байроқнинг чап эни томонидан унг энининг охирига қараб кенгайиб кетган, учбурчак сариқ рангга бўялган, байроқнинг қолган қисми эса қизил рангда тасвирланган. Ўрта Осиёда хонликлар даврида ҳам миллий рамзлар сифатида байроқлар мавжуд бўлган. Бухоро амрлигининг байроғи яшил рангда бўлиб, ярим ой ва беш қиррали юлдуз тасвири берилган.


Чор Россияси Туркистонни босиб олиб, ўз мустамлакасига айлантиргач, империянинг бир қисми сифатида бу ўлка учун ҳам герблар таъсис этди. Куйида келтириладиган герблар ана шу даврга оидdir.



Туркистон генерал-губернаторлигининг герби



Сирдарё вилоятининг герби



Самарқанд вилоятининг герби Фарғона вилоятининг герби

Вилоятлар гербидан ташқари йирик шаҳарлар герблари ҳам сақланган. Масалан, Самарқанд, Жizzах, Тошкент шаҳарлари нинг герблари. Туркистон мухторияти – шуролар даврида мустақилликка эришиш учун қилинган ҳаракат натижаси булиб, сифатида атиги 71 кун яшади. Лекин шу қисқа муддат давомида у ўз рамзларига эга бўла олган эди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕСПУБЛИКАЛАРИНИНГ ГЕРБЛАРИ

Бугунги кунда давлат рамзлари – муайян бир давлатнинг суверенитетини ифодадайдиган, тарихан таркиб топган алоҳида энг муҳим белгиларидир. Улар бевосита ҳалқ, миллат ҳаёти, анъаналари, руҳияти, фольклори, тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Давлат рамзлари мустақил давлатнинг муҳим ташки белгиларини ўзида мужассамлаштиради. Давлат рамзларида ҳалқнинг азалий орзуси, эзгу ниятлари, бугунги ҳаёт мазмуни акс этади. Давлат рамзлари конституция ёки маҳсус қонун билан белгилаб қўйилади. Давлат байроғи, давлат герби, давлат мадхияси, давлат ранглари, давлат бошлигининг штандарти (байроғи), давлат муҳри, давлат шиори асосий давлат рамзлари хисобланади. Жаҳон ҳаритасида суверен давлат сифатида мусоисиб ўринга эга бўлган Ўзбекистон ҳам ўзининг давлат рамзларига, шу жумладан, Давлат гербига эгадир.

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»-ги Конун 1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида қабул қилинган бўлиб, унинг муаллифи рассом Анвар Мамажоновдир.

Гербнинг марказида тасвирланган – қанотларини кенг ёйиб турган Ҳумо қуши – баҳт-саодат ва эркеварлик рамзиидир. Гербнинг юқори қисмида Республикаиз собит ва барқарорлигининг рамзи сифатида саккиз қиррали юлдуз тасвирланган. У «қутлуг» деган маънени англатади. Унинг ичида ярим ой ва беш қиррали юлдуз ифодаланган.

Қуёш тасвири – давлатимизнинг йўли ҳамиша нурли бўлиши учун билдирилган яхши ният тимсоли. Айни пайтда у республикамизнинг ноёб иклим шароитини ҳам кўрсатиб туради. Бошоқлар ризқ-рўзимиз бўлмиш ғалтанинг тимсоли, оптоқ бўлиб очилаётган пахта чаноқлари тасвирланган гўза шохлари – серкуёш юртимизнинг донгини бутун дунёга таратган асосий бойлигимиз рамзиидир. Буғдой бошоқлари ва пахта чаноқларининг давлат байроғига ўхшаган лента билан ўраб қўйилганилиги – бу республикада яшаётган халқлар яқдиллигининг тимсолидир.

Герб рангли тасвирда бўлиб, Ҳумо қуши кумуш рангда; куёш, бошоқлар, пахта чаноги ва «Ўзбекистон» деган ёзув тилларангда; гўза шохлари ва барглари, водийлар яшил рангда; тоғлар ҳаворангда; чаноқдаги пахта, дарёлар, ярим ой ва юлдуз оқ рангда; Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи тасвирланган лента тўрт хил рангда берилган.

Мустақилликни қўлга киритган қўшни республикалар ҳам ўзларининг гербини қабул қилишган. Куйида улар ҳақида қисқача маълумот берилади.

1992–2003 йиллардаги Туркманистон давлат гербининг ҳозирги вақтда амалдаги гербдан фарқи унинг саккиз бурчак эмас, балки доира шаклида әканлигидадир. Герб қиёфасини ўзгартиришни таклиф қилган собиқ Президент С. Ниёзовнинг фикрича, саккиз бурчак қадимдан түкин-сочинчилик, тинчлик ва хотир-

жамлик рамзи ҳисобланган. Туркманистоннинг янги герби 2003 йил 15 августда қабул қилинган бўлиб, у яшил, сарик-тилларанг каймо ҳамда ҳаворанг ва қизил ранг иккита доираларга туширилган. Доиралар бир-биридан сарик-тилларанг билан бир хил кенглиқда ажратилган. Саккизбурчакнинг яшил рангидаги қизил доирада давлатнинг миллий бойлиги элементлари тасвирланган; пастки қисмида 7 та очилиб турган ғуза чаноғи зангори барглари билан, ўрта қисмининг икки томонида сарик-тилларангдаги буғдой бошоклари тасвирланган. Юқори қисмида эса ярим ой бешта оқ рангдаги юлдузлар билан тасвирланган.

Кизил доирада хажми 2 диаметрли соат стрелкаси бўйлаб туркман гиламлари: ахалтека, салир, эрсари, човдур ва ёвмутлар акс этиб, бу туркман халқининг дўстлиги ва бирдамлигини англатади. Ҳаворанг доирада Янардаг – бетараф мустақил Туркманистоннинг Биринчи Президенти С. Ниёзовнинг ахалтека оти тасвирланиб, ушбу тулпор туркманларнинг ғурури рамзи ҳисобланади.



Туркманистон
герби
(1992–2003)



Тожикистон
герби



Кирғизистон
герби



Қозоғистон
герби

Тожикистоннинг 1992–1993 йиллардаги давлат гербида тасвирланган қанотли шер ўрнига, 1993 йилда 28 декабрда қабул қилинган мамлакатнинг янги гербида қорли тоғлар ортидан чиқиб келаётган қуёш нурлари устида тож шаклидаги тасвир ва унинг устида айлана шаклида жойлашган 7 та юлдуз ўрин олган. Гербнинг икки томонида гулчамбар, ўнгда буғдой бошоклари,

чапда очилган гұза чаноқлари тасвирланған. Гулчамбарнинг юқори қисмida уч хил рангдаги ленталар ва пастки қисмida лавҳ устидаги китоб тасвири акс этган.

Қозогистон Республикасининг давлат герби 1996 йил 24 январда қабул қилинған булыб, мазкур герб ҳаворант айланана устига жойлаштирилған шанирақ (үтовнинг юқори қисми) тасвирида булыб, ҳар томонида қанотларини ёйиб турған афсонавий от күёш нурларини таратувчи сифатида тасвирланған. Гербнинг пастки қисмida «Қазақстан» деган ёзув бор. Қозогистон Республикасининг давлат гербида иккита ранг – олтгин ва күкиш ранглардан фойдаланилған. Муаллифлари машхур рассомлар Жандарбек Малибеков ва Шота Валихановлардир.

Қирғизистоннинг давлат герби 1994 йил 14 январда қабул қилинған булыб, унда Манас эпосидаги мамлакат озодлиги тимсоли бўлған қанотларини ёйиб турған оқкуш тасвирланади. Шунингдек, гербдан виқорли Олатов қоялари билан үралган ва күёш нурлари билан ёритилған Қирғистон марвариди Иссиққўл тасвирланған булыб, бу қирғиз халқининг миллый оқ қалпогини эсга солади. Муаллифлари: А. Абдраев ва С. Дубанаев.

Назорат саволлари:

1. Геральдика фани қачон ва қай тарзда шаклланди?
2. Герб сўзининг маъноси нима?
3. Давлат герблариға қандай талаблар кўйилади?
4. Шаҳар гербларида нималар акс эттирилган?
5. Қадимги Шумер давлатининг гербида нима тасвирланған?
6. Гербларда иқтисодий бөлгилар қандай акс эттирилади?
7. Мухрларда тасвирланған энг қадимги герблар қайси даврга мансуб?
8. Ўзбекистон Республикасининг давлат герби қачон қабул қилинған?
9. Қайта туғилиш ва абадийлик рамзи бўлған геральдик жониворнинг номи нима?
10. Геральдикада энг кўп фойдаланиладиган қалқон шакли қайси?
11. Гербни тавсифлаш геральдикада нима деб аталади?
12. Тамғалар қачондан бошлаб кенг тарқалған?
13. Геральдик металлар ҳақида маълумот беринг.
14. Геральдик ранглар нечта?
15. Ҳокимият ва давлатнинг рамзи бўлған ҳайвонлар қайсилар?

16. Герольдлар фаолияти қачондан бошланган?
17. Биринчи бўлиб герблар ҳақида ким трактат ёзган?
18. Энг қадимги герб тўплами (гербовник) қачон ва қаерда пайдо бўлган?
19. Европа геральдикасида қайси тасвир иккинчи ўғилни билдирган?
20. Европа геральдикасида атамалар кўпроқ қайси тилдан олинган?
21. Герблардаги олтин график тасвирда қайси белги орқали берилган?
22. Геральдикада тинчлик белгиси бўлган ўсимлик қайси?
23. Гербларнинг пайдо бўлиши қайси диний карашлар билан боғлиқ?
24. Тамғаларнинг келиб чиқиши ҳақида маълумот қайси асарда учрайди?
25. Ўз гербига эга бўлган биринчи инглиз қироли ким?
26. Араб давлатлари учун хос геральдик хусусиятлар қайслар?
27. Икки бошли бургутнинг энг қадимги тасвири қаердан топилган?
28. Россияда икки бошли бургут тасвири қачон пайдо бўлди?
29. Бургут бошли ва қанотли, шер танали афсонавий геральдик ҳайвон?
30. Аёллар герблари кўпинча қайси шаклда бўлган?
31. Гербидаги ҳайвон тасвирлари берилган давлатларни санаб беринг.
32. Герблардаги тотемистик тасвирлар.
33. Ўзбекистон гербидаги саккизбурчак нима деб аталади?
34. Афсонавий бир шохли от тасвири дастлаб қаерда пайдо бўлган?
35. Фамилияли герблар қайси даврда кўп учрайди?
36. Гербдаги дубулгага маҳкамланган мато парчаси нима деб аталган?
37. Тамғалар ҳақида нималар биласиз?
38. Муҳрлар нима сабабдан пайдо бўлган?
39. Геральдика фанининг бошқа тарих фанлари билан боғлиқлигини изоҳланг.
40. Дворян гербларида нималар тасвирланган?
41. Қачондан бошлаб Европада герб тасвири туширила бошланган?
42. Гербнинг бурлет қисми қай тарзда пайдо бўлган?
43. Энг фахрий геральдик шакл қайси?
44. Қадимги Родос ороли гербидаги нима тасвирланган?
45. Герблардаги олтин дубулга шахснинг қайси табақага тегишли эканлигини билдирган?
46. Гербни таърифлаш унинг қайси қисмидан бошланади?
47. Чор Россияси даврида босиб олинган ҳудудлар герби учун хос жиҳатларни кўрсатинг.
48. Англия геральдикасида мавжуд бўлган кўшимича тасвирлар нима деб аталган?
49. Герольдлар кимлар?
50. Энг қадимги муҳрлар қаерда пайдо бўлган?

ХУЛОСА

Үтмишни ўрганиш, тарғиб этиш ҳамда таълим-тарбия соҳасида ундан кенг фойдаланиш ўсиб келаётган авлодни баркамол шахс сифатида тарбиялашда мухим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Юртбошимиз ўз маъruzаларида ҳар қандай инсон нафакат ўз тарихини, балки жаҳон тарихини, умумбашарий тараққиёт йўлини чукур идрок этиши зарурлигини қайта-қайта таъкидланган.

Тарих фанини чукур ўрганишда геральдика фанининг ҳам бошқа ёрдамчи тарих фанлари каби ўрни ва аҳамияти бекиёс. Шу нуқтаи назардан, геральдика фанининг асосий вазифаси умумий тарзда мазкур фаннинг пайдо булиши ва ривожланиши билан танишиш, герб элементларини таҳлил қилувчи ва тизимга солувчи назарий ёки расмий геральдика асосларини, геральдик атамаларни, алоҳида мамлакатлардаги геральдиканинг ўзига хос хусусиятларини таснифлаш, гербларнинг алоҳида ва аҳамиятли жиҳатларини қайд этишдан иборат.

Геральдика билан илк танишувнинг асосий мақсади гербни «ўқий» олиш ва унинг хронологиясини аниклашдан иборат. Гербшуносликнинг бугунги аҳволи ва геральдик адабиётларнинг камлиги бу соҳада иш олиб боришни бирмунча қийинлаштиришини юқорида ҳам тилга олган эдик. Ҳатто геральдика билан маҳсус шуғулланувчи мутахассислар учун ҳам гербни дарҳол ва тўлиқ таҳлил қила олиш ҳал қилиниши мураккаб булган масаладир. Аммо бу ҳолат, бизнингча, мухим тарихий манба бўлган гербларни ўрганишдан воз кечишга олиб келмаслиги керак. Ушбу ўринда геральдик маълумотдан тарихий тадқиқотда мухим манба сифатида самарали фойдалана олиш мухим. Шу жиҳатдан олганда, мазкур фанни ўрганиш бугунги кунда

долзарблигича қолмоқда. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «...замон талаби шуки, профессор ва ўқитувчилар ўзларида мавжуд билимлар билан ва савия билан чекланиб қолмасдан, хорижий мамлакатлар тажрибасини қунт ва сабот билан ўрганиб, мағзини чақиб, ундан кейин ўз талабаларига сабоқ беришлари зарур» деган ўгитларига қатъий амал қилиб, ушуб ўқув-услубий кўлланмани тайёрладик. Келгусида мазкур қўлланмани янада мукаммаллаштириш, янги маълумотлар билан бойитиш ниятидамиз.

Ўйлаймизки, ушуб қўлланма нафақат ўқувчи-талabalар, балки китобхонларнинг ҳам жаҳон тарихига бўлган қизиқиши янада ортишига сабаб бўлади.

ФАНГА ОИД АТАМАЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ИЗОХЛИ ЛУГАТИ

Арматюра – гербнинг ёрдамчи элементи булиб, одатда қалқонга айлана тарзда жойлаштирилади. Арматюралар ҳарбий геральдикада ҳам учрайди ва у гербнинг кимга ёки қайси қўшин турига тааллуклигини англатади.

Армирован (қуролланган) – қуролланган геральдик ҳайвон – тирноқлар, шохлар, тишлар, кўзлар маълум бир рангда тасвирланган.

Армигер – герб эгаси.

Аугментация – гербга қўшилган фахрий белги булиб, одатда тақдирлаш сифатида тайёрланган (фахрий гербларга ҳам қаралсин).

Баньер – квадрат ёки узун (узайтирилган) байроқ, рицар олиб юрган герб.

Бестиарий – фантастик ҳайвонлар тўғрисидаги афсона ва ривоятлар тўплами булиб, одатда тасвирлар билан тарифланган.

Бурелет – методан ишланган ва ичи жун билан тўлдирилган қоплама булиб, дубулга устидан кийилган. Шунингдек, намёт каби бурелет ҳам герб рангидан бўялган.

Возникающая (вужудга келиш) – геральдик шаклга тариф, бошка шаклдан фарқли равишда тўлиқсиз тасвирланади.

Вольная часть (canton) (эркин қисм) – гербнинг бир қанча кичик ўнг ёки чап томондаги чорак қисми, тўғрибурчакли соҳаси.

Выходящая (чикувчи) – геральдик шаклларнинг тавсифи булиб, шаклларнинг тўлиқсиз, яъни ярим кўриниши.

Геральдика (гербшунослик) – тарихий фан булиб, гербларнинг келиб чиқиши тарихини, вужудга келиши эволюциясини, шунингдек гербга эгалик қилиш, вориснинг юридик хуқуқини ўрганади.

Герб – қалқон устига туширилган тасвир булиб, одатда геральдик қоидалар асосида яратилган. Кичик, ўртача ва катта герблар булиши мумкин. Кичик герб фақат қалқон устида, ўртача герб эса дубулгада тасвирланган. Катта герб эса ўзида геральдик белгиларни мужассам этган (дубулға, клейнот, намёт қалқон тутувчи, мантия, тож ва шиорлар).

Герольд – у ёки бу геральдик соҳасида хизмат қилувчи шахс. Урта аср турнирларида жарчи бўлиб, геральдика ва шажара билимдони ва уларни тўпловчи.

Герольдмейстер – катта геролд.

Глава (chief) – қалқоннинг юқори қисмининг учдан бир булаги.

Горностаевый мех (Оксичон мўйнаси) – геральдик мўйналардан бири. Ўзига хос қора думчалари билан ажралиб туради, шахмат тартиби каби кумуш майдончага жойлаштирилади. Баъзи ҳолларда кумуш думчалари қора рангдаги майдонга жойлаштирилиб, ранглари ҳам ўзгариши мумкин.

Дамасцировка (diapered) – юпқа металга тасвирланган расмни эслатувчи нақш. У қалқоннинг юзасига тасвирланган бўлиб, таранг тортилган матони эслатади.

Девиз (шиор) – одатда қалқоннинг пастки қисмидага лентага битилгин ёзув. Баъзи ҳолларда девизлар тўғридан – тўғри лентасиз гербнинг ўзига ёзилган. Агар қалқон доира шаклида бўлса девиз айланасига ёзилган. Одатда девизлардан рицар турнирларида фойдаланилган.

Девиз лентаси – одатда девиз ленталари гербнинг пастки қисмига жойлаштирилган. Шотландия геральдикасида девизлар дубулғанинг устида тасвирланган.

Декстер – қалқоннинг геральдик ўнг томони.

Дубулға – гербнинг асосий элементларидан бири. Кўпинча шахсий ва уюшма гербларида фойдаланилган, камдан-кам ҳолларда ҳудудий гербларда ҳам ишлатилган.

Золото (олтин) – геральдик металлардан бири ҳисобланади. Олтин сариқ ранг билан тасвирланади. График шаклда олтин нукталар билан тасвирланади.

Изумруд – геральдикада зангори белги.

Импреза – Италияда шахсий муҳр ёки бежик бўлиб, уруғ рамзини ифодалаган.

Кайма (bordure) – ҳошия. Қалқоннинг учдан бир қисмини қамраб олади ва унинг чеккаларига жойлаштирилади.

Картуш – жимжимадор лавҳа ёки рамка. Ўзига хос бўлган чиройли безак бўлиб, чўзиқ шаклдаги қалқонга жойлаштирилади. Баъзи ҳолларда маълум мартабаларни ҳам ифодалаган.

Клобук – монахлар кулоҳи (қалпоғи). Черков хизматчиларининг алоҳида бош кийими бўлиб, ҳолирга пайтда рус черкови гербларида алоҳида ўрин тутади.

Корона – тож. Дубулға ёки тұғридан-тұғри қалқонга жойлаштирилади. Тұрлы күринищдаги күплаб тожлар мавжуд булиб, уларнинг ҳар бирини гербларда күриш мумкин. Тожлар дубулға, қалқон ва ридолар устида тасвирланган. Баъзи бир мамлакатларнинг замонавий гербларида профессионал мартабани билдирувчи тожлар ҳам мавжуд.

Крест – хоч, кенг қамровли шаклларнинг алоҳида гурұхы (200 га яқин тури мавжуд) булиб, учта асосий гурұхга бўлиш мумкин. Масалан, оддий, қиялама X шаклида ва паншаха Y шаклларида бўлиши мумкин.

Кумуш – геральдик металларнинг иккитасидан бири. Кумуш оқ ранг билан тасвирланади. Кумуш график эквавалентга эга бўлмасдан бўшлиқ кенглиги билан ифодаланади.

Лазурь – кўм-кўк тус. Геральдикада сирланган мовий ранг тушунилади.

Ламбель (турнир ёқаси) – қалқонга жойлаштирилган булиб, уннадаги чизиқлар устига эгасининг исми ёзилган, қисқа күринищдаги горизонтал тарзда кесилган учта ёки бешта бўртиклари пастга қаратилган алоҳида белги. Ламбель Буюк Британияда кенг тарқалган.

Мантия (ридо) – монахларнинг анъанавий байрам либоси. Мустақилликнинг бу белгилари монахлар ва олий ҳокимият эгалари, шунингдек, олий аслзодалар вакилларининг гербларида ҳам мавжуд бўлган. Баъзи ҳолларда корпоратив (уюшма) гербларида ҳам тасвирланган.

Металлар – геральдикада қўлланиладиган металлар сони иккита – олтин ва кумуш.

Намёт – дубулғага бириктирилган мато күринишидаги тасвир булиб, герб рангининг асосига тұғри келган (метал ёки сир). Салиб юришлари даврида пайдо бўлган. Ҳозирги пайтда гербнинг декоратив безаги булиб, турли декоратив шаклдаги мато, ўсимлик ва лента күринишида тасвирланади.

Натуральный – шаклнинг ранги табиий ранг (асосан сўз ҳайвонот ва ўсимлик дунёси тұғрисида кетганда ишлатилади).

Нашлемник – Европа анъаналарида клейнод. Дубулғанинг устки қисмидаги безакни тутиб турувчи. Дастрлаб ҳайвон шохларидан ва қушларнинг парларидан бўлган. Кўпинча герб калқонининг шакли ва ранги такрорланади.

Оконечность или основание (base), (тугалланган ёки асос) – қалқон пастки қисмининг учдан бир қисми эгаллайди. Кўпинка бу шаклларнингюқори қисми қавариқ ҳолда тасвиrlenади ва яшил ранг билан бўалиб, ерни ифодалайди ҳамда унинг устига қандайдир бир объект қўйилади. Масалан, ҳайвон.

Олмахон мўйнаси – геральдик мўйналарнинг ҳар иккисидан бири бўалиб, қалқонларда кумуш ёки лаъл шаклида тасвиrlenган. Баъзан ўзгартирилган шаклда ҳам бўалиб, маълум бир маънони англашиб, кўпинча ранглари ўзгариб турган.

Основание (асос, пойdevor, замин) – қалқон тутиб турувчилар турадиган платформа. Унинг устига герб бутун ҳолда жойлаштирилади.

Ошкора герб(гласный герб) (инглиз геральдикасида «Allusive Arms», шунингдек, «canting» ёки «unning», французчада – «Armes parlantes») – гербни яратишда эгасининг овозли исмининг эътимологияси ёзилади (аксарият ҳолларда ёлғон бўалиб, натижада аллюзия содир бўлади).

Перевязь влево (bend) и перевязь вправо (bend sinister), (ўнг йики чап томондаги тасма) – қалқоннинг учдан бирини эгаллайди, диагонал ҳолда жойлаштирилади.

Пересечение (кесишган нуқта) – чизик билан белгиланиб, ўртадан ўнг ва чап томонларни бир-бири билан боғлайди.

Персевант – одатда герольднинг ёрдамчиси, у ёки бу геральдик хизматнинг кичик хизматчиси.

Пояс (fess), (бел) – қалқон ўртасидаги учдан бир қисм бўалиб, горизонтал ҳолда жойлаштирилади.

Пурпур (тўқ қизик) – геральдикада малинали – қизил рангда сирлаш.

Рассечение (ёриб кўриш) – ўртасидан асос бошигача ўтказилган чизик.

Синистер – қалқоннинг геральдик чап томони.

Скошение (скошененный щит), (чегирилган) – қалқоннинг юқори бурчагидан диагонал бўйлаб тортиладиган чизик – агар ўнг томондан тортилса чегирма ўнгдан, чап томондан тортилса чапдан деб аталади.

Столб (pale), (устун) – қалқоннинг учдан бир қисмини ўртасидан эгаллаган вертикал ҳолдаги устун.

Стропило (*chevron*) – иккита бөгич билан мустаҳкамланади Қалқоннинг пастки бурчакларидан ўртасигача кўтарилиган булади

Табар – герольдларнинг алоҳида байрам либоси бўлиб, Т шакли кўринишидаги камзули, геральдик композициялар билан безатилади

Тарч – алоҳида жимжимадор шаклдаги қалқон. У найза тиқин (урнатиш) учун мўлжалланган. Германияда пайдо бўлган, бирор Италия геральдикасига характерлидир.

Тинктурлар – финифтей (сирланган), метал ва мўйналарни умумий геральдик номи.

Усеянный (қопламоқ, тўлдирмоқ) – геральдик қалқоннинг таснифи бўлиб, унинг майдони тенг ҳолда шакллар билан безатилади (юлдузлар, томчилар, доиралар, учқунлар, тангалар, нибуфар ва б.).

Фантастик (афсонавий) шакллар – фантастик тасаввурдаги мавжудодлар, яъни аждар, бир шохли маҳлук, кентавр ва бошқалар акс этирилади.

Фахрий герблар («Arms of honor» yoki «Arms of concession») – олий ҳокимият эгаси томонидан маълум бир муҳим воқеа муносабати билан ёки кўрсатган жасорати туфайли армигерга тақдим қилинган герб (Аугментацияга қаралсин).

Финифти (сирланган ранг) – геральдикада рангларнинг номлари. Асосан, 5 та сирланган ранг мавжуд: кўм-кўк (лазурь), тўқ қизил (червлень), зангори (изумруд), қора (чернь ёки диамант) ва тўқ қизиқ (пурпур). Инглиз геральдик амалиётида бир қанча иккинчи даражали ранглар бўлиб, улар, асосан, муомаладан чиқсан.

Червлень (тўқ қизил) – геральдикада қизил сирланган белги.

Чернь (баъзида – диамант) – геральдикада қора сирланган ранг.

Шакллар – геральдик (чириқчалар билан қалқонни бўлиб туради) ва ногеральдик. Геральдик шакллар, ўз навбатида, фахрий ва иккинчи даражалиларга бўлинади. Барча фахрий шаклларда диминативлар кичрайтирилган версияси бирдан икки ва бирдан саккиз кенгликда булиши мумкин. Рус геральдикасида бу шакллар тор шакллар деб аталади. Иккинчи даражали ёки оддий шакллар фахрий шаклларни уч баробар кичрайтирилган ҳолатида бўлади. Ўз шаклига кўра улар учбурчакли, тўртбурчакли, доира ва шартли шаклларда булиши мумкин. Баъзи ҳолларда оддий шакллар ўртасида тешикчалар билан тасвирланади. Иккинчи даражали геральдик шакллар сони 300 дан ортиқ. Ногеральдик шакллар табиий, суний ва афсонавийларга бўли-

иади. Табний шакллар табият объектлари: ҳайвонлар, балиқлар, құшлар, үсімліклар ва инсон тасвириланаиди. Суний шакллар инсон томошыдан яратылған объектлар: куроллар, меморчилик обидалари ва б.

Шраффировка – геральдик тизим чизгилари бўлиб, график холатда геральдик металлар, сирлар ва мўйналарни тасвирлайди. XVII йерда италиялик Сильвестр Петра-Санкт томонидан ўйлаб топилган.

Қалқоннинг шакли – кўплаб куринишдаги турлари маълум бўлиб, улардан 9 таси тан олинган. Улар қуйидагилар: варяглар, испанлар, италянлар, французлар, инглизлар, византийлар, немислар ҳамда ромб ва квадрат шаклларда бўлган.

Қалқон – гербнинг асоси бўлиб, унинг устига асосий ва иккинчи даржали геральдик шакллар жойлаштирилади. Улар ҳар-хил шаклда ва аниъаналар кўринишида бўлиши мумкин.

Қалқон тутувчи – қалқонни ушлаб турувчи ва қалқонда акс эттирилгандар шакллар тушунилади. Одатда бу геральдик ҳайвонлар ва одамларнинг шакллари ҳам бўлиши мумкин. Қалқон тутувчилар мумтоз геральдика намуналарини эмас, балки мустакил ҳолда ўз рамзларини ҳам тутиб туриши мумкин.

Қалқонча (*inescutcheon*) – қалқоннинг кўришишини тақрорлай-диган шакл. Қалқон ўртасида тасвирланиб, уни майдонининг учдан бирини эгаллади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Karimov I. A. Ona yurtimiz baxt-u iqboli va buyuk kelajagi yo'lida xizmat qilish – eng oliv saodatdir. T.: O'zbekiston, 2015.

В. Б. Кобрин, Г. А. Леонтьева, П. А. Шорин. Вспомогательные исторические дисциплины. – М.: Просвещение, 1984.

Введение в специальные исторические дисциплины. / Т. II. Гусарова, О. В. Дмитриева, И. С. Филлипов и др. – М.: МГУ, 1990.

Слейтер С. Геральдика. Иллюстрированная энциклопедия. Издание второе, переработанное и дополненное / Пер. И. Жилинской. – М.: Эксмо, 2005.

Сангирова Д. Х., Қодирова Л. Б «Геральдика ва сфрагистика» фанидан ўкув-услубий мажмуа. – Гулистан, 2007.

Е. В. Пчелов. Государственные символы России – герб, флаг, гимн. – М.: ТИД Русское слово-РС. 2004.

Давидович Е. А. «Вопросы генеалогии и хронологии Карабанидов во второй половине XII в.» В книге Средняя Азия в древности и средневековье (история и культура). – М., 1977.

Шониёзов К. Қанғ давлати ва қанглилар. – Т., Фан, 1990.

Геральдика в прошлом, настоящем и будущем: Материалы конференции. – СПб.: Гос. Эрмитажа, 2000.

Агафонова Е. А. Общий Гербовник дворянских родов Всероссийской Империи. К истории создания и публикации. // 275 лет геральдической службы.

Агафонова Е. А. Преобразования императора Павла I в системе российской геральдики и Мальтийский орден. // Император Павел Первый и Орден Св. Иоанна Иерусалимского в России. – СПб., 1995.

Борисов (Ильин) И. В. Родовые гербы России. – М.: Виктория Янтарный сказ, 1997.

Борисов И. В. Об «Эмблематическом гербовнике» В. К. Лукомского. // Геральдика. – Л., 1987.

Вилинбаев Г. В. Реформа государственной геральдики России при Александре II. // Александр II и его эпоха. – СПб., 1995.

Вилинбаев Г. В. Геральдика – вспомогательная историческая дисциплина (к вопросу о предмете исследования и структуре). // Геральдика. – Л., 1983.

Геральдика: Материалы и исследования. – Л., 1987. Гербоведь. 1992–2005. № 1–80.

Думин СВ. Гербы в России. // Дворянские роды Российской Империи. Т. 1. – СПб., 1993.

Ерошкин Н. П. Гербовое отделение сенатского Департамента герольдии в начале XX века. // Геральдика. – Л., 1987.

Каменцева Е. И. Русская сфрагистика и геральдика. Учебное пособие. – М.: МГИАИ, 1983.

Кин М. Геральдика и герольды. // Кин М. Рыцарство. – М., 2000.

Лакиер А. Б. Русская геральдика. – М.: Книга, 1990.

Медведев М. Ю. Геральдика. // Специальные исторические дисциплины. – СПб., 2003.

Соболева Н. А. Старинные гербы российских городов. М.: Наука, 1985.

Указ Президента Российской Федерации о Геральдическом совете при Президенте Российской Федерации (в ред. Указа Президента РФ от 25. 06. 2004 № 799, Указа Президента РФ от 26 августа 2004 года № 1121).

Черных А. П. Геральдика. // Введение в специальные исторические дисциплины. Учебное пособие. – М., 1990.

Шепелев Л. Е. Родовые гербы. // Шепелев Л. Е. Титулы, мундиры, ордена в Российской Империи. – Л., 1991.

Шумков А. А. Родовая геральдика в современной России: ее понимание и отражение «Дворянским календарем». // Совещание по вопросам личной (родовой) геральдики...

Интернет сайлари:

www.geraldika.ru

<http://www.wikipedia.org>

<http://www.excurs.ru>

<http://polina.bu.ru/~metall/history>

<http://collection.rin.ru/>

<http://ec-dejavu.ru/h/Heraldica.html>

<http://www.geraldik.ru/>

ДУНЁ ДАВЛАТЛАРИНИНГ ГЕРБЛАРИ



Афғонистон



Албания



АҚШ



Андорра



Аргентина



Арманистон



Австралия



Австрия



Антигуа ва
Барбуда



Бангладеш



Барбадос



Бахрайн



Багама



Белгия



Белиз



Бутан



Буюк
Британия



Боливия



Босния ва
Герцеговина



Бразилия



Ботсвана



Боливия



Бенин



Буркина-
Фасо



Беларус



Бруней



Бурунди



БАА



Вануату



Ватикан



Венгрия



Въетнам



Венесуела



Гамбия



Гана



Гондурас



Габон



Гватемала



Гренада



Грузия



Гвинея-Бисау



Гвинея



Греция



Гаити



Германия



Дания



Доминика



Доминикан



ЖАР



Жазоир



Жанубий
Судан



Жанубий
Осетия



Жибути



Замбия



Зимбабве



Исландия



Испания



Ирландия



Иордания



Исроил



Италия



Индонезия



Ирак



Камерун



Колумбия



Косово



Коста-Рика



Канада



Коте д'Ивуар



Камбоджа



Куба



Кения



Кабо-Верде



Кирибати



Комор
ороллари



Конго (КДР)



Конго
Республикаси



Корея
(КХДР)



Корея
Республикаси



Кипр



Латвия



Лаос



Либерия



Литва



Ливия



Лихтенштейн



Люксембург



Ливан



Лесото



Мянма



Мали



Мальта



Марказий
Африка
Республикаси



Марокко



Маршалл
ороллари



Мавритания



Маврикий



Мексика



Македония



Микронезия



Миср



Молдова



Монако



Монголия



Малави



Малайзия



Мозамбик



Малдив



Непал



Никарагуа



Нигер



Намибия



Нигерия



Нидерландия



Норвегия



Озарбайжон



Перу



Палау



Парагвай



Польша



Португалия



Панама



Пакистон



Руанда



Руминия



Россия (РФ)



Сент Винсент
ва Гренадина



Самоа



Сент Китс
ва Невис



Саудия
Арабистони



Сенегал



Сент-Лусия



Сан-Марино



Сомалиленд



Сан-Томе ва
Принципи



Сахара араб
демократик
республика



Сербия



Сейшел



Серра Леоне



Сингапур



Словакия



Словения



Сомали



Судан



Суринам



Сурия



Соломон
ороллари



Свазиленд



Салвадор



Того



Таиланд



Танзания



Тоҷикистон



Тонга



Тринидад
ва Тобаго



Тунис



Туркия



Туркманистон



Тувалу



Тоғли
Қорабог



Уганда



Украина



Уругвай



Уммон



Фижи
Ороллари



Финляндия



Фаластин



Филиппин



Франция



Хитой (ХХР)



Хитой
(Тайбей)



Хорватия



Чили



Чад



Чехия



Черногория



Швейцария



Шри Ланка



Швеция



Шимолий
Кипр



Шарқый
Тимор



Эквадор



Экваториал
Гвинея



Эфиопия



Эстония



Эритрея



Эрон



Япония



Яман



Ямайка



Янги
Зеландия



Ўзбекистон



Киргизистон



Қозғистон



Кувайт



Қатар



Ҳиндистон

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Геральдика фанининг предмети, мақсад ва вазифалари	5
Илк геральдик шакллар ва геральдика фанининг вужудга келиши	9
Гербларнинг тарихий босқичлари ва ўзига хос хусусиятлари	17
Гербларнинг турлари	35
Франция герблари тарихи	42
Француз қироллик геральдикаси	44
«Армориал женераль»	46
Наполеон Бонапартнинг геральдик ислоҳоти	47
Ўрта асрлар ва янги даврларда Россия давлат герби	48
XX асрда Россия давлат герблари	54
Россия шаҳар ва губерния герблари	56
Рус дворян герблари	61
Турон халқлари тарихида рамзий белгилар	64
Марказий Осиё республикаларининг герблари	71
Хуласа	76
Фанга оид атамаларнинг қисқача изохли луғати	78
Фойдаланилган адабиётлар	84

**Ғайрат Ҳамроев,
Жұрабек Бегимқұлов**

ГЕРАЛЬДИКА

Үқув-услубий құлланма

ТОШКЕНТ-«TAMADDUN»-2016

Мұхаррир	<i>Ж. Құнишев</i>
Техник мұхаррир	<i>Ш. Рустамов</i>
Бадий мұхаррир	<i>Ж. Муродов</i>
Мусаҳых	<i>О. Холбутаев</i>
Саҳифаловчи	<i>Ф. Назаров</i>

Нашриёт лицензияси АI №247, 02. 10 2013 й.
Босишига рухсат этилди 22. 03. 2016. Бічими 60 × 84 $\frac{1}{16}$.
«Times New Roman» гарнитураси. Офсет қоғози.
Офсет босма усулида чоп этилди. Шартлы б. т. 5,5.
Адади 500 нұсха. Буюртма № 21–16.

«Tamaddun» нашриёти, 100129.
Тошкент шаҳри, Навоий кӯчаси, 30-үй.

«Тигон мағбаа» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар кӯчаси, 2-үй.



«Tamaddun»
нашиёти

ISBN 978-9943-377-99-8

9 789943 377998